

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг йиғилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узок истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани рағбатлантиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдидан олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини куйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: **«Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».**

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётини саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалага халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, теран қиёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик – буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Исроил Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мужассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг раванакини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ў.А.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида муҳим масала бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва унинг асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун сўнги йилларда ушбу соҳада ишлаб чиқилган ўз қўламини ва мазмунига кўра энг муҳим норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади, бу эса хусусий сектор фаолиятини кучайтириш ҳисобига республика иқтисодиётининг шиддат билан ривожланишига кучли туртки бериши шубҳасиздир.

Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мажлисида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини анча кучайтиради.

Жумладан, сенаторларнинг фикрича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш тарзида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар жиноят аниқлангандан кейин ўттиз кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, пенялар ва бошқа молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслигини назарда тутувчи норма ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик ва савдо қонунларини бузганлик учун жиноий жазо тайинланмаслиги, бунинг ўрнига маъмурий юрисдикция қўлланилиши назарда тутилмоқда, бундан йирик жиноятлар мустасно.

Сенаторларнинг фикрича, қонунда назарда тутилганидек ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл

қиладиган барча ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, мустақил бобларига бирлаштирилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатлигини кучайтиришга, мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги жавобгарлигини оширишга қўмақлашади.

Таъкидланганидек, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини уч йилда кўпи билан бир марта тегишли мумкинлиги ҳақидаги тартибнинг белгилаб қўйилиши тадбиркорларни уларнинг ҳўжалик фаолиятига асосиз аралашидан ҳимоя қилишга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қўмақлашади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилаётган норма давлатимиз раҳбарининг фармонида белгилаб берилган вазибаларнинг яна бир тимсоли бўлди. Ушбу норма қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Қабул қилинаётган қонунга мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилмоқда. Бу тадбиркорларга соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Муҳокама чоғида қайд этилдики, маъмурий ёки жиноий иш бўйича тадбиркорларнинг қайд этилмаган товарлари давлат даромадида айлантилган тақдирда Солиқ кодексига кўрсатилган молиявий санкцияларнинг тадбиркорларга нисбатан қўлланилмаслигини назарда тутувчи норма улар мулкнинг манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, тадбиркорлик, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига қўмақлашади. Таклиф этилаётган норма тадбиркорлар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

Мажлисида қайд этилдики, ана шу ва бошқа янгиликларнинг қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга қўмақлашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида сўзга чиққан сенаторлар қайд этганларидек, қонун инвестиция ва пай фондларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, республикада жамоа томонидан инвестициялар киритиш тизими яратилишини рағбатлантиришга қаратилган. Бу вақтинча бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтиришда, уларни турли иқтисодий, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари учун шарт-шароитлар яратади.

Муҳокама чоғида сенаторлар таъкидланганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин ўтказилишини таъминлаш каби вазибаларнинг самаралироқ бажарилишига, инвесторлар, тадбиркорлар ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозоридан эркин фойдаланиш имкониятини беришга, фонд маблағларини самарали бошқаришга, фуқароларнинг омонатларини шакллантириш ва уларни кўпайтиришнинг муқобил имкониятларини яратишга хизмат қиладди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган **«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»**ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди ва маъқулландилар.

Мажлисида таъкидланганидек, қонунда янги қонунлар назарда тутилган бўлиб, улар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу соҳадаги ваколатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишга, жисмонан ва ҳар томонлама етук ёшларни шакллантиришга, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришга, юқори классдаги спортчиларни, шунингдек, спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, спортнинг миллий турларини ривожлантиришга қўмақлашади.

Сўнгра сенаторлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган **«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, 1992 йилда қабул қилинган амалдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг ўрнига қабул қилинаётган ушбу қонун замонавий талабларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизимини яна-

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми.

Бошланиши 1-, 2-бетларда).

да ривожлантиришга, аҳоли саноатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини бажаришга қаратилган. Шунингдек, қонунда ҳудудлар, иншоотлар, бинолар, ташкилотлар, бошқа объектларни сақлаш юзасидан санитария-эпидемиологик талабларни белгилашда фуқаролик жамияти институтлари кенг иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизми назарда тутилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада таъсирчан санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар уюштирилиши ва ўтказилиши, жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши учун ижро этувчи ҳокимият органлари ва назорат хизматларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунни кўриб чиқиш жараёнида сенаторлар жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўта муҳимлигини қайд этдилар. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш деб номланган янги жазо чорасининг жорий этилиши жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар жазонинг адолатлилик принципини тўлиқроқ рўйбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга кўмаклашади.

Сенаторлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилиши ушбу қонунда назарда тутилган, қабул қилинган қонунларни, мамлакатимиз Президентининг қарорларини рўйбга чиқариш доирасида тайёрланган ҳамда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни, шунингдек, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор бошқа ўзгартиш ва қўшимчаларни, шу жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларни ҳам кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

\*\*\*

**2015 йил 7 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёклама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Баённомада амалдаги Битимга солиқ соҳасида ахборот алмашиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тузатишлар киритилиши назарда тутилаётганлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Баённоманинг қабул қилиниши

икки мамлакат ўртасида солиққа доир ахборот алмашиш жараёни тезлаштиришга, солиқлар тўлашдаги турли суистеъмолликларга қарши курашишга, шунингдек, резидентлар томонидан тўланмаган солиқларнинг томонлар бюджетларига ўз вақтида келиб тушишига кўмаклашади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Таъкидландики, ўтган йилда Марказий банкнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қароридан белгиланган вазифаларни сўзсиз бажаришга қаратилди.

Ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилганидек, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди, бу эса банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган норматив талаблардан 3 баравар ортқидир. Банк тизими барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири ҳисобланган жорий ликвидлик даражаси бир неча йил давомида 64,62 фоиздан ортқ бўлмоқда, бу эса халқаро кўламда белгиланган энг кам даражадан 2 баравар юқоридир. Ҳисобот йилида банк активлари 28,2 фоизга ошди ва 56,2 триллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий банки фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Жумладан, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банкларнинг ресурс базасини такомиллаштиришга ва янада мустаҳкамлашга, банк хизматларини диверсификациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришни давом эттиришга, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга, иш ўринларини ташкил этишга ва аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил рўйбга чиқарилишини давом эттиришни тавсия этдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Сенат томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ҳамда қатор хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлиси якунларига кўра ҳаммаси бўлиб 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун кўриб чиқилди.

Хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда преференциялар сўзсиз қўлланилишига, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун давлат орган-

лари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши Сенатнинг бўлиб ўтган ялпи мажлисидаги катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг яхшиланишига, тадбиркорлар фаолиятининг ошишига, ижтимоий-иқтисодий бозор ислохотларининг чуқурлашишига ва ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг юксалишига, мамлакатимиз гуллаб-яшнашига кўмаклашади.

Сенат томонидан маъқулланган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, жиноий жазолар тизимини эркинлаштириш ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган қонунларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Сенаторлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни, ушбу соҳадаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашни давом эттиришни, касалликларнинг олдини олиш тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи қонунларни ҳам маъқулладилар.

Маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимиз фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



Подполковник  
**Жасурбек  
Рустамович АТАЕВ** —  
Сурхондарё вилояти  
ИИБ бошлиғи  
лавозимига



Подполковник  
**Бахтиёр Хаитваевич  
ШАМСУТДИНОВ** —  
Навоий вилояти ИИБ  
Шахсий таркиби бўйича  
махсус инспекцияси  
бошлиғи лавозимига



Подполковник  
**Аҳмад Одинаевич  
ХОЛИҚОВ** —  
Сурхондарё вилояти ИИБ  
Патруль-пост хизмати ва  
жамоат тартибини сақлаш  
бошқармаси бошлиғи  
лавозимига




Майор  
**Фахриддин Валиевич  
МЕНГЛИЕВ** —  
Сурхондарё вилояти ИИБ  
Ташкилий-инспекторлик  
бўлими бошлиғи  
лавозимига



Подполковник  
**Шавкатжон Эргашевич  
МАВЛАНОВ** —  
Фарғона вилояти Бувайда  
тумани ИИБ бошлиғи  
лавозимига

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мусиқашунослар, бастакорлар, хонандалар, санъат ихлосмандлари, талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирда истиқлол берган улкан имкониятлар, фаровон ҳаётимиз, гўзал Ўзбекистонимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

\* \* \*

● Мамлакатимизда бола манфаати ва ҳуқуқлари ҳимоясига устувор даражада эътибор қаратилаётганига доир ахборот материаллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий олти тилида тарқатилган мазкур ҳужжатда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги муҳофазаси ва сифатли таълим олиши масалалари Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани қайд этилади.

\* \* \*

● Хитойнинг Чанчунь шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган халқаро мусобақада ёшларимиз фаол иштирок этишди.

Жаҳоннинг 29 мамлакатидан етти юз нафарга яқин ўқувчи қатнашган мусобақанинг индивидуал беллашувида Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тўраев ҳамда Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Аббос Сайлиев кумуш медални қўлга киритди. Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси Сайдали Муродиллаев ва пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 50-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Роберт Честнов эса Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

\* \* \*

● Қўшқўпир туманининг Янгилик қишлоғида иш бошлаган «Қўшқўпир техноимпекс» Ўзбекистон — Хитой қўша корхонасида электр қуввати орқали ҳаракатланадиган велосипедлар тайёрлашга киришилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа рўёби туфайли йилига 3 минг дона ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Махсус аккумулятор билан жиҳозланган велосипедларнинг афзаллиги шундаки, улар экологияга зарар етказмайди, шовқинсиз ишлайди, ортиқча жисмоний куч талаб этмайди. Транспорт воситасини хонадонлардаги электр тармоғи орқали қувватлантириш мумкин.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Жорий йилдан эътиборан республика миқёсида «Энг намунали хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бўлинмаси)» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ижро ва хизмат интизоми яхши йўлга қўйилган, иш фаолияти самарали ташкил этилган бўлим (бўлинма)ларни аниқлаш, уларнинг намунали иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Айтиш мумкинки, танловнинг саралаш босқичи Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБлари томонидан жойларда уюшқоқлик билан ўтказилди. Танловнинг якуний босқичида эса ғолиблар бешта минтақага бўлинган ҳолда аниқланди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари биринчи, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари иккинчи, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари учинчи, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари тўртинчи, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари бешинчи минтақани ташкил этди. Танлов иштирокчиларининг иш фаолияти соҳавий хизмат раҳбарлари ва тажрибали ходимлардан иборат комиссия томонидан баҳолаб борилди. Бунда асосан ХЧК ва ФРБларининг алоҳида бинода жойлашганлиги, бино атрофи ободонлаштирилганлиги, унга киришда пешлавҳаларнинг давлат тилида ёзилганлиги, бино замонавий мебель ва техникалар билан таъминланганлиги, бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги, хизмат ходимларининг

## ЭНГ НАМУНАЛИЛАР ЭЪТИРОФДА

фуқаролар билан муомала маданияти, шахсий таркиб ўртасида ижро ва хизмат интизомининг аҳоли, жанговар тайёргарлиги, фуқаролар ва ходимларга яратилган шарт-шароитлар каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мезонлар атрофлича ўрганилиб, танловнинг республика босқичи ғолиблари аниқланди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИБ Маданият саройида хизматда юқори самардорликка эришаётгани, фуқароларга намунали хизмат кўрсатаётгани туфайли танлов ғолиблигига сазовор бўлган иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ИИБ раҳбарияти, бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вилоят ва туманлар ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бўлинма)лари бошлиқлари қатнашди.

Тадбирни Ички ишлар вазирининг ўринбосари, подполковник Ё. Турсунов очиб, мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти, уни ўтказишдан мақсад, ўтган давр мобайнида хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига қаратилаётган эътибор, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг танловда фахрли ўринларни эгаллаганлар

номи ўқиб эшиттирилди. Шунга кўра, Фарғона вилояти Кува тумани ИИБ паспорт бўлинмаси учинчи ўринга муносиб топилиб, бўлинма бошлиғи, капитан Ўлмас Акбаровга Фахрий ёрлик ва микротўлқинли печ тантанали равишда топширилди. Иккинчи ўринга эса Жиззах вилояти Зарбдор тумани ИИБ паспорт бўлинмаси лойиқ кўрилди. Паспорт бўлинмаси бошлиғи, сержант Санжар Жўрабоев Фахрий ёрлик ва нусха кўпайтириш тўплами билан тақдирланди.

Ниҳоят, Навоий шаҳар ИИБ паспорт бўлинмаси танлов ғолиби деб эълон қилинди. Паспорт

— Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида ўтказилаётган мазкур танловда фахрли биринчи ўринни эгаллаганимиз биз учун катта шараф. Бундан жуда хурсандмиз, — дейди Навоий шаҳар ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, капитан Учқун Аҳадов. — Фаолиятимиз юксак баҳолашиб, эътиборга тушганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизга билдирилган бу ишонч зимманимизга янада катта масъулият юклайди. Мустақил юртимиз тинчлигини таъминлаш йўлида жамоамиз билан хизмат қилиб келаётганимиздан мамнунмиз.

Шундан сўнг танлов иштирокчилари учун элимиз ардоғидаги санъаткорлар, ИИБ Маданият саройининг Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ва бошқа санъаткорлар ижросидаги шўх куй-қўшиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир шу билан якунига етмади. Танлов иштирокчилари пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани ИИБ ХЧК ва ФРБда бўлиб, унинг фаолияти, илғор иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар Теурийлар тарихи давлат музейига ҳам ташриф буюришди.

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**

**Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Абу КЕНЖАЕВ ва Шавкат КАҲҲОРОВ олган суратлар.**



## Семинар

## СОҲА РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати касбий тайёргарлик бўлими (бўлинмаси), кадрлар билан ишлаш бўлими ҳамда психологлар гуруҳининг масъул ходимлари иштирокида семинар машғулотли бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати-нинг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда ИИБнинг «Ички ишлар органлари хизматига (шартнома асосидаги ҳарбий хизматга) номзодларни қабул қилиш тартибини белгилаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Анжуманни ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Усманов очиб, бундан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида айтиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан ИИБ ШТБИХ Таълим

муассасалари бўлими бошлиғи, подполковник Ф. Ортиқбоев, ИИБ ШТБИХ Касбий тайёргарлик бўлими бошлиғи, подполковник А. Саримсақов ва бошқалар сўзга чиқиб, вазирлик олий таълим муассасаларига номзодларни танлашга жиддий эътибор қаратиш, соҳани ҳар томонлама етук кадрлар билан бойитиш, ходимларнинг касбий, жисмоний тайёргарлигини яхшилаш борасида олиб борила-



ётган ишлар ва галдаги режалар хусусида йиғилганларга ахборот берди.

Йиғилишда шахсий таркиб билан меъёрий буйруқ талаблари асосида белгиланган муддатларда жанговар тайёргарлик бўйича назарий ва амалий машғулотларни сифатли ўтказиш, бунда соҳавий хизматлар раҳбарларининг назоратини таъминлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Танқидий руҳда ўтган семинарда ички ишлар идоралари шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари томонидан муҳокама этилган масалаларни ҳал этишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарурлиги қайд этилди.

Семинарда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев иштирок этиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳа равнақи йўлида амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли режалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Ўз мухбиримиз. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Тадбир

## ЎҚУВ ЙИГИНИ БОШЛАНДИ

**ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти дала-ўқув марказида биринчи босқич курсантлари билан ўтказиладиган бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув йигинининг очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Уни ИИВ ТОХТБЮ бошлиғи, полковник Х. Мама-тов очиб, тадбир қатнашчиларини давлат тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, республикамизнинг нуфузли олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганликлари ва Ватан ҳимоячиси, деган шарафли номга сазовор бўлганликлари билан муборакбод этди.



Шунингдек, билим юртида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимларига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига интеллектуал жиҳатдан етук офицер кадрлар тайёрлаш бора-

сида яратилган шарт-шароитлар тўғрисида маълумот берди. Таълим муассасасида таҳсил олиш жараёнида улардан ўқув дастурларини чуқур ўзлаштириш, ўз устида мунтазам равишда иш-

лаш, ҳарбий интизом қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилишини эслатиб ўтди.

Шундан сўнг биринчи босқич курсантлари номи-дан сўзга чиққан курсант Мирсоҳибжон Салимбоев сафдошларини билим юртига ўқишга қабул қилинганликлари билан кутлаб, бу ерда яратилган барча шароитлар учун ҳуқуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига миннатдорлик билдириб, Ватанимиз сарҳадларини мустаҳкам ҳимоялаш ҳамда элимиз осойишталигини таъминлаш йўлида муносиб ҳимоячилар бўлиб етишишга ваъда берди.

**Ғ. ИКМАТУЛЛАЕВ,**  
капитан.

## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан республика ИИВ Фахрийлар кенгаши соҳада узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, обрў-эътибор билан нафақага чиққан, айни пайтда ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган фахрийларни рағбатлантириб келаяпти. Яқинда Бухоро вилояти ИИБда бўлиб ўтган тадбирда бир гуруҳ ана шундай фахрийлар муносиб тақдирланди.**

— Юртбошимиз ҳамда вазири-миз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган иззат-икром ва эътибордан бошимиз кўкка етмоқда, — дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Самад Саидов. — Мисол тариқасида айтадиган бўлсам, Хотира ва қадрлаш кунида медаль, пул мукофотлари ва байрам совғалари билан тақдирланган эдим. Бугун эса «Ўзбекистон Республикаси ИИВ фах-

рийси» кўкрак нишони топширилди. Бундай юксак эътибор ва меҳр-мурувватдан жуда мамнунман. Чунки кексайганда хурмат-эътибор кўриш инсонга ўзгача куч-қувват бағишлар экан. Истагим, тинч-осойишта кунларимизга кўз тегмасин.

Шунингдек, истеъфодаги полковниклар С. Зайниев ва Н. Шаррапов ҳам тадбирда сўзга чиқиб, юртимизда фахрийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва ғамхўр-

ликдан ниҳоятда миннатдор эканликларини билдиришди. Қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган мислсиз ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар ҳамда уларнинг самаралари тўғрисидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Бундан кейин ҳам ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш ишига камарбаста бўлишларини таъкидлашди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Ш. Ўринов ўн нафар ички ишлар идоралари фахрийларига «Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийси» кўкрак нишонини, беш нафар фахрийга эса Фахрий ёрликларни тантанали равишда топширди.

**Мирзокул ҒАНИЕВ,**  
Бухоро вилояти.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ СЕМИНАР

**Бугун даврнинг ўзи эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасликни, халқимизнинг энг буюк неъматини бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашда янада хушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этмоқда. Бу масъулиятли вазифани бажаришда ҳар бир ходим, хусусан, профилактика инспекторларидан катта тажриба, билим ва юксак маҳорат талаб этилади.**

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан профилактика инспекторларининг касб маҳоратини ошириш мақсадида вилоят прокуратураси ва жиноят ишлари бўйича вилоят суди ҳамкорлигида жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган қўшма ўқув-семинар

дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан, вилоят ИИБ мажлислар залида Наманган шаҳар, Тўрақўрғон ва Наманган туманлари ИИБ ХООБ профилактика инспекторлари иштирокида дастлабки машғулот ўтказилди.

Худди шундай ўқув-семинарлар Поп, Чуст, Мингбулоқ, Янгиқўрғон,

Чортоқ, Норин ва бошқа туманларда ҳам ташкил этилди. Жами етти босқичдан иборат ўқув-семинарнинг биринчи босқичида бугунги куннинг энг долзарб масалалари ҳақида фикр юритилди.

Ўқув-семинарларда профилактика инспекторлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди. Уларнинг машғулотларда олган билимлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, аҳоли хавфсизлиги, тинчлигини таъминлаш, шунингдек, қонун бузилишининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни

бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Бунини иштирокчилар машғулотлар давомида кўрилган масалалар бўйича янада кенгроқ билимга эга бўлганликларини эътироф этаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Дастурга мувофиқ, йил давомида ўқув-семинар машғулотларининг қолган олтита босқичи ўтказилади. Уларда ҳам амалиётда учраётган долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилган вазифалар асосий мавзу этиб белгиланган.

**Рустамжон ДЎСТМАТОВ,**  
майор.  
Наманган вилояти.

## ДУНЁДАН



### ДАРАКЛАР

#### ТАБИИЙ ОФАТ ТАЛАФОТЛАРИ

Мьянмада муссон ёмғирлари натижа-сида келиб чиққан сув тошқинлари мамлакатга катта талафот етказди. Энг ёмони, табиий офат 88 кишини дунёдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.

«Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, 20 мингга яқин уй-жойлар вайрон бўлган. Минглаб гектар экин майдонларига жиддий зарар етган. Айниқса, мамлакатнинг Рақхайн штати сув тошқинларидан кўп талафот кўрган. Бу ҳудудда 55 киши офат қурбонига айланган.

Айни пайтда Мьянма ҳуқумати, маҳаллий ҳокимиятлар табиий офат талафотларини бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

#### ЯНГИ СУВАЙШ КАНАЛИ

Мисрда Сувайш каналининг янги тармоғи фойдаланишга топширилди. Ушбу сув ҳавзаси ҳам бундан 145 йил олдин очилган каналга параллел равишда Ҳинд океани ва Ўртаер денгизини боғловчи қисқа сув йўли вазифасини бажаради.

Канал қурилиши бир йил давомида тўхтовсиз олиб борилди. Қурилиш ишларида АҚШ, БАА, Бельгия ва Нидерландиянинг қурилиш компаниялари иштирок этди. Канал лойиҳасининг қиймати эса 8 миллиард долларга яқин деб баҳоланмоқда.

Янги каналнинг фойдаланишга топширилиши билан кемаларнинг каналдан ўтишдаги кутиш вақти тўрт баробарга қисқариши, қатнови кунига 49 тадан 97 тага кўпайиши кутилмоқда. Ўз ўрнида, давлат бюджетига тушадиган тушумлар миқдори ҳам сезиларли даражада ортади.

#### «ШИМОЛ-ЖАНУБ» ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Россия ҳуқумати Покистон билан тузилган «Шимол-Жануб» газ қувури қурилиши юзасидан тузилган келишув лойиҳасини тасдиқлади.

Икки мамлакат ўртасида эришилган келишувга мувофиқ, Покистоннинг Карачидан Лаҳоргача бўлган ҳудудда газ қувури тармоғи қурилишида Россиянинг иштироки учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Яъни, Покистон томони ер майдонларини ажратиш беради, Россия эса ушбу дастурни амалга ошириш учун технологиялар, асбоб-ускуналарни ажратади, илмий-тадқиқот, лойиҳа муассасалари ва қурилиш компанияларини ишга жалб этишни ўз зиммасига олади.

#### «FORBES» ТАЛҚИНИГА КЎРА

АҚШнинг «Forbes» журнали ҳар йили дунёнинг энг бой актёрларини аниқлаб боради. Ушбу аъёнасига содиқ қолган журнал тахририяти яқинда сўнгги бир йилда энг кўп даромад топган кино юлдузлари номини эълон қилди.

Мазкур рейтингнинг биринчи поғонасини америкалик кино актёр кичик Роберт Дауни эгаллади. У ўтган йилнинг 1 июнидан жорий йилнинг шу даврига қадар 80 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрган. Иккинчи ўринга Жеки Чан муносиб кўрилди. Хитойлик актёрнинг бир йиллик даромади 50 миллион доллар деб баҳоланди. Рўйхатнинг кучли учлигини Голливуд юлдузи Вин Дизель (даромади – 47 миллион АҚШ доллари) яқунлаб беради.

Рейтингдан, шунингдек, Брэдли Купер, Адам Сэндлер, Том Круз, Амитабх Баччан, Салмон Хон, Акшай Кумар, Марк Уолберг каби таниқли актёрлар ҳам ўрин олган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

# ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА

**Нурота туманининг «Эшон Судур» ва «Бўдик» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида олти минг нафардан ортиқ аҳоли тинч-тотувликда, осойишталикда умргузаронлик қилмоқда. Бунга профилактика инспектори, лейтенант Элбек Султоновнинг маҳалла фаоллари билан ҳамжихатликда амалга ошираётган ишлари туфайли эришиляпти.**

— Тиббиётда «Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал» деган ибора бор, — дейди 85-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Э. Султонов. — Бизнинг соҳада ҳам бунга амал қилинади. Жиноятчини жазолашдан кўра, уни шу йўлга киришдан сақлаб қолишни кўзлаймиз. Битта оилада тинчликни сақлаш, хотиржамликка эришиш маҳалланинг, бутун бир жамиятнинг осойишталиги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ана шу хайрли мақсад йўлида барчамиз бир жону бир тан бўлиб хизмат қилсак, албатта, мақсадга эришамиз.

Баъзида жиноят устидан қўлга тушган ёки безорилиги билан танилган кимсалар ишонганлари номини тилга

олиб баланд келишга уринади. Аммо профилактика инспектори бундайлардан чўчимади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқланган ҳуқуқбузарликка нисбатан қонуний чора кўради. Жорий йилнинг ўтган даврида элликка яқин маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди ва айбдор шахсларга нисбатан қонуний тартибда қатъий чоралар кўрилиши таъминланди. Ўн саккиз нафар шахс профилактика хисобга олинди. Улар доимий назоратда. Қолаверса, аҳоли билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, мавжуд муаммолар ўз вақтида бартараф қилинмоқда.

Бу ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Худудда ўтган йилнинг шу даврида тўртта жиноят содир этилган бўлса, жорий йилда бу

## ЭЛГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ



кўрсаткич тенг ярмига қаймади. Профилактика хисобда турувчи спирт-ли ичимликка ружу қўйган уч нафар шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши кузатилмади.

Доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетганлар ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Туман аҳолини ижтимо-

ий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда хориждан қайтиб келган етти нафар шахс ишга жойлаштирилди. Икки нафарига туман ҳокимлиги кўмағида тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредитлар ажратилишига эришилди. Қолганлари эса яқка тартибда меҳнат

фаолияти билан шуғулланиб келяпти.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг ишончли, мақбул йўллари билан бири — бу уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир. Айни ҳозирги таътил пайтида ёшларга эътибор янада кучайтирилди. Милиция

таянч пункти қошида, мактабларда турли спорт тўғрақлари фаолият кўрсатяпти. Уларга мингга яқин ёшлар жалб қилинган.

— Элбек Султонов икки йилдан ошиқроқ вақт мобайнида биз билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ишлаб келмоқда, — дейди «Эшон Судур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси У. Раҳимов. — Унинг хушмуомалалиги, одамлар кўнглига йўл топа олиши, керак бўлганда, қатъиятлиги боис кўпчиликнинг ишончини қозонди. Шунинг учун ҳам каттаю кичик ҳар қандай масала бўйича унга тортинмай мурожаат қилади. Зарур бўлса йўл-йўриқ, маслаҳат олишади.

Бир сўз билан айтганда, лейтенант Элбек Султонов эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида тиним билмай хизмат қилиб келмоқда. Унинг хизматидан ҳамма миннатдор.

**Мирзокул АҲАДОВ.**  
Навоий вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, лейтенант Элбек Султонов маҳалла фаоллари билан.

**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган сурат.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ ВАЗИФА

**Ёшларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишида ички ишлар идоралари тизимидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

Урганч шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ҲПГ ходимлари ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, таълим-тарбия жараёнларини назорат қилиш ҳамда уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишдек муҳим вазифаларни бажариб келишмоқда. Бунда асосий эътибор шаҳар ҳудудидаги олий ўқув юртли талабалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг машғулотларида фаол иштирок этишини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда битирувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилляпти. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жиноий иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида қатор учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларда турли видеороликларнинг намойиш қилинаётгани тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ходимларимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ИИБ ва милиция таянч пунктларида 574 нафар ўсмир олиб келинди, — дейди шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ҲПГ катта инспектори, капитан Тоҳир Жуманиёзов. — Фарзандлари тарбиясига салбий таъсир этувчи 23 нафар ота-она ҳамда тарбияси оғир ўсмир сифатида 25 нафар бола профилактика хисобга олинди ва улар билан доимий равишда суҳбатлар олиб борилмоқда.

Хизмат ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигига барҳам бериш мақсадида шаҳар ҳудудидаги тунги кафе, бар, ресторан, кинотеатр, компьютер заллари, интернет клублари ҳамда бошқа кўнглочар масканларда рейд текширувлари ўтказилмоқда. Бунда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувсиз юрган вояга етмаганлар ҳамда ноқонуний фаолият кўрсатаётган масканлар бўйича 11 та ҳолат аниқланиб, ушбу масканларнинг масъул шахсларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Қолаверса, бозорлар ва бошқа жамоат жойларида дайдиб юрган, белгиланмаган жойларда чўмилаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, зарур маслаҳатлар бериш мақсадида кенг қамровли профилактика тадбирлар ўтказилмоқда. Белгиланган режа асосида олиб борилаётган ушбу тадбирларда ёшлар ва вояга етмаганлар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳамда ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Ички ишлар идоралари ходимларининг кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда амалга ошираётган бундай профилактика тадбирлари натижасида ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ҳисси янада камол топмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**  
Хоразм вилояти.

### ▼ Олов — тилсиз ёв

Наманган вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари йил бошидан буён кўплаб текширувлар ўтказишди. Текширув натижаларига кўра тўрт минг нафарга яқин фуқаро ҳамда бир қанча мансабдор шахслар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилди. Айбдорлардан 185 миллион сўмдан зиёд жарима ундирилди. Бундан ташқари, 1630 дан ортиқ иншоотнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, 7540 дан зиёд носоз электр жиҳозлари ва газ плиталаридан фойдаланиш тақиқланди.

## МАВСУМГА ҲОЗИРДАН ТАЙЁРЛАНИШ ЛОЗИМ

Шу билан бирга, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам таҳлил қилинмоқда. Илгари кўп қаватли уйлар атрофида одамлар ўзларича кичик ер майдонлари ва ноқонуний бинолар барпо этишарди. Бу эса ёнғин хавфсизлиги машиналарининг киришига халақит берган. Ҳозир ҳолат ижобий томонга ўзгарди. Аммо сунъий сув ҳавзаларининг йўқлиги, аксар сув гидрантларининг носозлиги кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки «Зил-130» русумли автомобилда олиб келинган сув ёнғинни ўчириш чоғида атиги бир неча дақиқага етади. Яқин атрофда сув ҳавзаларининг ёки гидрантларининг бўлмалиги ёки уларнинг носозлиги кўнғилсиз оқибатларга олиб келади. Рейдлар ва текширувлар давомида бундай камчилик-

ларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Натижада 139 та гидрант таъмирланди, 220 та сунъий сув ҳавзаси созланиб, сувга тўлдирилди.

Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён мунтазам равишда ўқув машғулоти ва амалий машқлар ўтказиб турилибди. Масалан, яқинда донни қайта ишлаш заводидаги техникалар ва асбоб-ускуналар текширилди, бу ерда ўқув машғулоти ўтказилди. Ушбу жараёнда ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг тегишли қисмлари ходимлари қатнашишди.

Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, тез орада иситиш мавсуми бошланади. Шунинг учун ўтган йилдаги фаолияти-

мизни таҳлил қилиб, келгусида бажариладиган ишларни белгилаб олаёلمиз. Тажриба шуни кўрсатадики, совуқ бошлангани билан қўлбола иситиш жиҳозларидан фойдаланиш авж олади. Бу ортиқча электр энергияси сарфланишига, унинг таъминотида узилишлар бўлишига олиб келади. Оқибатда ёнғин билан боғлиқ кўнғилсиз ҳодисалар келиб чиқади. Кўриб турганингиздек, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ.

Юқоридаги каби камчиликкага йўл қўймаслик учун иситиш тизимини малакали мутахассислар ёрдамида таъминлаш керак. Шунда истеъмолчиларнинг ҳам ҳуқуқлари бузилмайди, ёнғинларнинг бунинг ҳам олди олинади.

**Одилбек ШАРИПОВ,**  
вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, майор.


Наманган вилояти.



## ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

## ХУШЁРЛИК – САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар билан бир қаторда, халқ мулкани ишончли кўриқлаш ҳам юклатилган. Бу борада Транспортдаги ИИБ «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш бўйича махсус милиция батальони Тошкент отряди ходимлари ҳам самарали хизмат қилишяпти.



Отряд шахсий таркиби қўшма корхонанинг тайёр автомобиллари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари юкланган вагон-контейнерларни тегишли манзилларга бекаму кўст етказишга катта ҳисса қўшишмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 350 мартага яқин ана шундай юк поездлари кузатилган бўлса, улар орқали 300 дан ортиқ автомобиллар ва етти мингга яқин эҳтиёт қисмлари тегишли манзилларга беталафот етказилди. Юк вагонларини юк қабул қилиб олишда уларнинг ҳар томонлама созилиги, муҳрлари текшириляётгани, аниқланган ҳолатлар хусусида батальон навбатчилик қисмига ўз вақтида хабар бе-

рилиб, камчиликлар тезда бартараф қилинмоқда. Юкларни кузатиб бориш жараёнида ўғирлик, талон-тарожлик ва бошқа тажовузларга йўл қўйилмаётгани ходимларнинг хушёрлиги, фидойилик билан хизмат олиб бораётганидан далолат беради. Отряд ходимлари ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари вакиллари билан ҳамкорликда темир йўл вокзалларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. — Ходимлар билан зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишлари, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя

этишлари бўйича мунтазам равишда йўриқнома-лар ўтказяпмиз, — дейди отряд командири, капитан Р. Исанов. — Бу каби тадбирларда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг жойлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника ва электр хавфсизлиги бўйича муҳандис-мутахассислари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам қатнашишяпти. Қолаверса, ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимларини ошириб боришларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Хизматга қабул қилинган ёш ходимларга соҳа сирларини ўргатиш, уларнинг етук ма-лакали кадрлар бўлиб шаклланиши учун кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлардан мураббийлар бириктирилган. Хусусан, ички ишлар идораларида бир неча йилдан бери самарали хизмат қилиб келаётган отряд бўлима командири, сержант Улуғбек Чориев, отряд милиционери, сержант Шуҳрат Очиловлар ёш ходимларга устозлик қилиб, ўз тажрибаларини ўргатишяпти. Ўз навбатида, отряд милиционерлари, сафдорлар Ержон Жуманов, Пулат Қодиров ва Обид Эшматов каби ёш ходимлар ташаббускорлиги, фидойилиги билан хизматда юқори натижаларга эришиб келмоқда.

**Анвар МАШАРИПОВ,**  
кичик сержант.

Суратда: отряд ходимлари хизмат пайтида.

**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган сурат.

## ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИГА КЎРА

**Ю. Тамара ишдан уйига қайтиб, хонадонига кирди-ю, капалаги учиб кетди. Стол-стуллар ағдарилган, буюмлар ҳар томонга сочилган. Хуллас, ҳаммаёқ алғов-далғов. Аёл ўғирлик содир бўлганини сезиб, дарҳол Урганч шаҳар ИИБга кўнғироқ қилди.**

Воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи ходимлари жиноят тафсилотини ўргана бошлади. Гуруҳ таркибида бўлган шаҳар ИИБ ЭКГ катта эксперти, майор Азамат Нурметов воқеа жойида қолдирилган излардан намуналар олишга киришди. Хонадондаги барча буюмлар, стол-стуллар, эшик ва дераза ромлари, тутқичлар махсус мослама ёрдамида кўздан кечирилди. Аммо эксперт эътиборини тортган бу жойларда жиноят излари топилмади. Демак, ўғри из қолдирмаслик учун ҳаракат қилган. Майор Азамат Нурметов диққатини эътибордан четда қолган майда-чуйда буюмларга қаратди. Ниҳоят, полда ётган телефон қутилари ҳамда ётоқхонадаги шкаф тортмаларидан бир неча бармоқ излари топилди. Бу далиллар зудлик билан вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимига юборилди. Вилоят ИИБ ЭКБ бўлима бошлиғи, майор Қувондиқ Ўринов ва катта эксперт, капитан Лилля Залилова ушбу изларни «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими базасида мавжуд бўлган қўл-бармоқ излари билан муқаддам бир неча бор судланган хивалик Х. Дилшодга тегишли бўлиб чиқди.

Бу каби жиноят тафсилотларини яна келтириш

мумкин. Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари жорий йилнинг ўтган даврида бошқа соҳавий



хизмат вакиллари билан биргаликда 1300 марта воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этиб, содир этилган жиноятларга алоқадор бўлган турли хил изларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Шундан 876 таси қўл-бармоқ излари бўлиб, улар махсус компьютер тизимида синчковлик билан текширувдан ўтказилди. Шунингдек, воқеа жойидан олинган излар бўйича 619 та эксперт-тадқиқот ишлари олиб борилди. Соҳавий хизмат ходимларининг бундай саъй-ҳаракатлари натижасида 50 дан ортиқ жиноят фош этилди.

— Бўлимимизда ходимларнинг самарали хизмат қилиши учун барча шароит-

лар яратилган, — дейди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Олимбой Эгамбердиев. — Кенг ва ёруғ хоналар, зарур жиҳозлар ҳамда замонавий компьютер ускуналари, хизмат жойини кўздан кечиришга мўлжалланган асбоб-ускуналар улар ихтиёрида. Бу

экспертларимиз ишини анча енгилаштириб, самарали хизмат қилиш имконини берапти.

Соҳавий хизмат ходимлари томонидан амалга ошириляётган ишлар билан танишар эканмиз, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда юқори касбий маҳоратга эга бўлган тажрибали экспертларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Х. РАЗЗОҚОВ.**

Хоразм вилояти.

Суратда: вилоят ИИБ ЭКБ эксперти, лейтенант Анвар Собиров хизмат пайтида.

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**  
олган сурат.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

## НИЯТИ БУЗУҚ ЙЎЛОВЧИ



Кечки пайт фуқаро О. Баҳром бошқарувидаги «Лада» автомашинасида нотаниш киши йўловчи сифатида чиқди. Машина бироз юргач, йўловчи орқа томонда нимадир тикиляётганини айтиб, ҳайдовчига текшириб кўришни маслаҳат берди. О. Баҳром тушиб машинасини кўздан кечириляётганини нияти бузуқ йўловчи автоулов салоида бўлган кўп миқдордаги пулни ўғирлаб олди.

О. Баҳром уйига келгач, пули жойида йўқлигини пайқади ва тезда «102» рақамига кўнғироқ қилди.

Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи У. Музаффар ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕҲМОН»


Бухоро вилояти Фижувон туманида яшовчи И. Махлиёнинг уйига эрта тонгда нотаниш кимса бостириб киради. У хонадон соҳибасига таҳдид қилиб, ундан пул талаб қилади. Кейин маълум миқдордаги пул ва уяли телефон аппаратини олганча воқеа жойидан қочиб кетади.

Жабрланувчи туман ИИБга хабар бергач, тергов-тезкор гуруҳи аъзолари зудлик билан воқеа жойига етиб келиб,



ҳолатни батафсил ўрганишди. Тез орада гумон қилинувчи — шу туманда яшовчи Ҳ. Омон қўлга олинди. У ички ишлар бўлимига олиб келинди. Айна пайтда унинг қилмишига тергов жараёнида ойдинлик киритилмоқда.

## УЛФАТЧИЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ



Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида яшовчи А. Тимофейнинг уйида таниши М. Виктор меҳмон бўлди. Шом пайти бошланган улфатчилик то тунги иккигача давом этди. Кўп миқдорда истеъмол қилинган спиртли ичимлик таъсирида «шер»га айланган улфатлар охир-оқибат нимадир сабаб билан жанжаллашиб қолишди. Бу ҳам етмаганидек, ақлини йўқотган А. Тимофей пичоқ билан меҳмонга тан жароҳати етказди. Тез орада бу ерга ИИБ ходимлари етиб келишди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди.

Айна пайтда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилган.

## «МАТИЗ» ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Фуқаро Ю. Жамшид иш юзасидан пойтахт вилоятининг Ангрэн шаҳрига борди. Кеч бўлганда машинасини йўл ёқасида қолдириб, тамадди қилиш учун шу ердаги қаҳвахонага кирди. Бироз ўтиб қайтиб чиқди-ю, машинаси жойида йўқлигини кўрди. Бу ҳақда тезда ИИБга хабар берди.

Жабрланувчининг мурожаати асосида автомашинани олиб қочган шахсларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилди. Кўп вақт ўтмай машинани олиб қочган А. Баҳром, К. Олим ва К. Абрам ички



ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Автомашина соз ҳолатда эгасига қайтарилди.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

# МАЪНАВИЯТ РИВОЖИДА АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ

**Гўзалликка интилиш инсон табиатидаги энг нодир фазилатлардан ҳисобланади. Инсон, аввало, ўзининг гўзал бўлишини, қолаверса, нутқининг, хатти-ҳаракатларининг, одамлар билан муомаласининг, касбий маҳоратининг атрофидаги дўстлари, биродарлари томонидан маъқул кўрилишини хоҳлайди. Натижада у ўзи амалга ошираётган ҳар бир фаолиятини назорат қилади, бажараётган ишларига масъулият билан қарайди. Аслини олганда, санъатнинг, хусусан, сўз санъати – бадий адабиётнинг вужудга келиши ҳам ажодларимиз қалбидеги гўзалликка интилиш туйғуси билан боғланади. Бу интилиш ёки аксинча, интилмаслик шахс маънавиятини белгилайди.**

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «маънавият» сўзига: (ахлоқий ҳолат: барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар) инсоннинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва шу каби тасаввурлари, тушунчалари мажмуи, деб таъриф берилган. Маълум бўладики, маънавият деганда одамнинг руҳий олами, унинг Ватанига, халқига, касбига, юртдошларига бўлган муносабати тушунилади. Муносабат эса ижобий, лоқайд, салбий бўлиши мумкинлигини инобатга олсак, шахс маънавияти ибратли ёки тубан даража билан ўлчанишини тасаввур қиламиз.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида «Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» деган маъносини ажратилган. Бобнинг «Маънавиятнинг англаш» фаслида маънавият тушунчаси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутиши таъкидланади ва шундай дейилади:

«Шу фикрни мантиқий давом эттириб, маънавият – инсонни руҳан покляниш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўлаемиз».

«Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар» фаслида эса куйидаги мисраларни ўқиймиз: «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва аънаналари, ҳаётини қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади». Мантиқий фикр юритсак, бу ўринда Юртбошимиз маънавиятнинг ривожини маданий бойликлар – адабиёт ва санъат асарлари белгилашини қайд этмоқдалар. Чунки, аввало, санъат асарлари, бадий адабиёт, халқ оғзаки ижоди намуналари инсон руҳий оламига таъсир қилади, унинг қалбидеги нозик эзгу кайфиятлар уйғотади, яхшиликка йўллайди.

Чўлпон 16-17 ёшида – 1914 йил «Садои Туркистон» газетасининг 4 июнь сонидеги «Адабиёт надур?» мақоласида: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиётни ўлмағон ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етишдирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур», – деб ёзган эди.

Ўзбек менталитетига санъатнинг ҳамма турларига бўлган ҳавас қиладиган даражадаги меҳр асрлар давомида бардавом бўлганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, мусиқа ва бадий адабиётга беназир муносабатда бўлиш

ҳар бир касб эгаси учун зарурий ҳисобланган. Ўрта аср алломалари Форобий, Ибн Сино, Беруний аниқ фанлар соҳасида оламшумул кашфиётлар яратганлар. Айни чоғда мусиқа ва бадий адабиётда ҳам назарий рисолалар ёзишни унутмаганлар. Бу аънава ХХ асргача давом этиб келди. Ҳатто тарбиясида мусиқа ва бадий ижод билан шуғулланишга алоҳида эътибор берилган. Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон соний – Ферузнинг ғазаллари, мусиқа асарлари фикримизнинг далилидир. Яқин кунларгача ҳар бир оддий ўзбек хонадонидеги меҳмонхонада дутор, танбур, рубоб асбоблари деворда осиглиқ турган. Кекса устозларимиздан бизгача етиб келган хотираларда Саъдийхонлик, Навоийхонлик, Машрабхонлик йиғинларида қадимий китоблар ўқилган, ғазаллар ёд олинган, байтларни шарҳлаш мусобақалари ўтказилган, баҳри байтлар уюштирилган.

Таниқли шоир ва ёзувчи Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида ибратли бир лавҳа бор. Ҳиротда ном қозонган меъмор Нажмиддин ҳузурига Нусрат исмли бухоролик нажжор ва сангтарош ўғли Зулфиқор билан кириб келади. Тилла танга солинган халтачани узатиб, фарзандини шогирдликка олишини илтимос қилади. Меъмор халтачани меҳмонга қайтарар экан, бўлажак шогирд имтиҳондан ўтса, бепул хунар ўргатишини айтади. Имтиҳон бошланишида Нажмиддин уста Зулфиқордан ёддан ғазал айтишини сўрайди. Зулфиқор ҳеч иккиланмай Ҳофиз Шерозийдан ўқийди. Шундан сўнг устоз қорғоз ва давот узатиб: «Ҳофиз Шерозий ва унинг «Мунтахаби девони»ни ёзинг. Мен хатингизни кўрмоқчиман», – дейди. Шогирд бу талабни ҳам бажаради. Шундан кейин Нажмиддин йигитчадан Шайх Саъдийни сўрайди. Сухбат мазмуни мавлоно Лутфийга келиб тўхтади. Зулфиқор Лутфийнинг ғазалини туркийда ёд айтади. Кейинроқ маълум бўладики, бадий адабиёт ҳақидаги суҳбат уста Нажмиддин имтиҳонининг асосини ташкил қилар экан.

Табиий, савол туғилади. Меъмор уста Нажмиддин нима учун бўлажак шогирдидан Зулфиқор кутганидек, риёзиётдан ёки ҳандасадан савол бермади? Ахир, аслида меъморлик учун ўша соҳалар зарурроқ эмасми? Эҳтимол, зарурроқдир. Аммо асрлар давомида ўзбеклар бирор соҳани эгаллаш, маҳорат мактабини босиб ўтиш фақат бадий адабиёт деб аталган остонадан бошланишини қонун деб билганлар. Хусни хат, ғазал ўқиш, мусиқа чалиш уларнинг фикрича, бўлажак мутахассиснинг маънавиятини белгилаган. Маънавий комилликка эришмаган инсон эса илмда ҳам, касбунард ҳам етукликка етолмайди, деб ҳисобланган.

Ҳаёт тажрибаси муайян касб эгаларига мутахассис, аввало, инсоний маънавият соҳиб бўлиш заруригини тақозо этган. Ғазал нафосатидан баҳра олмаган, дoston воқеалардан таъсирланмаган, мусиқа оламида яйрамаган ва хаёл денгизидеги сузмаган, тасвирий санъат мўъжизасидан жунбишга келмаган, меъморий обидалардан ҳайратланмаган, қолаверса, қалдирғочнинг учиши-

дан, булбулнинг сайрашидан, атиргулнинг очилишидан, райхону жамбулнинг ҳидидан маст бўлмаган одамда лоқайдлик туйғуси авж олади. Лоқайдлик эса шахсдаги инсоний хусусиятларни ўчиради, уни одам қиёфасидаги жонзотга айлантиради. Шунинг учун ҳам халқимизда душманнингдан кўра, лоқайд одамдан кўрқ, деган ҳикмат бор. Лоқайднинг бутун фикри меҳнатсиз моддий тўқинликка эришиш, ўзидаги нафс балосини имонини сотиб бўлса ҳам қондириш, ўзганинг мусибатидан ўз манфаати йўлида фойдаланишдан иборат бўлиб қолади. Ватан, халқ, миллат, жамият, одамгарчилик деган олий тушунчалар «така бўлсину, сут берсин» фалсафаси билан алмашади.

Шу ўринда буюк Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидан бир иқтибос келтирсак:

**Илми ким воситан жоҳ этар,  
Ўзинию халқни гумроҳ этар.**

**Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми анинг ҳажлига бўлғай далил.**

Биринчи байтдаги «илм» сўзининг маъносини кенгроқ тушуниш керак. Хусусан, бизнингча, бу ўринда шоир имонсиз олимнинг илми билан бир қаторда касбий кўникма, тажриба, ҳатто амалдорнинг қонунга хилоф иш тутишини ҳам назарда тутмоқда. «Жоҳ» эса мартаба, бойлик, шавқ-шавкат маъноларини англатади. Демак, кимда-ким ўз билимини, касбий кўникма ва тажрибасини жоҳиллик воситасига айлантирса, ўзини ҳам, халқини ҳам йўлдан адаштиради, дейилмоқда. Ва, агар инсон моддий, маънавий, жисмоний нафси йўлида тубанликка борса, унинг йиллар давомида эгаллаган билими, кўникмаси, тажрибаси разиллик далилига айланади. Фикри ожизимизча, «шоирларнинг султони» бу байтларда айрим шифокорларнинг соғ одамни ундан олиндиган пул учун операцияга ётқишиши, таълим соҳасидаги баъзи нопокларнинг пора олиб ижобий баҳо қўйиши, онда-сонда бўлса ҳам учраб турадиган нафс қурбонига айланган амалдорларнинг қинғир ишларига баҳо бермоқда. Ана энди мулоҳаза юритайлик: Ойбекнинг «Навоий» романидаги Мўмин Мирзонинг қатл этилишини кўз ёши билан ўқиган, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Кумушбидан унга кундош олишга рози бўлиши илтимос қилиш ниятида авжи баҳор пайти Марғилонга кетаётган Отабекни алам билан кузатиб борган, Пиримқул Қодировнинг «Бобур» романидаги Заҳириддин Бобур мусибатларига шерик бўлган, «Насруллои» куйи таъсирида тили калмага келмай қолган, Улуғбек мадрасасидаги миноранинг бошини кўраган деганда, дўпписи ерга тушиб кетганини пайқаман инсон юқоридаги нопокликларга қўл урадимиз?!

Ўзбекистонимиз бир асрдан ортиқ мустақил азобини тортди. Яратганга шукрки, мустақил бўлди. Бизнингча, бу бебаҳо бахт ҳам бир синов. Юртбошимиз Ислон Каримов истиклолимизнинг дастлабки кунларида мустақилликка эришишдан кўра, уни сақлаб қолиш оғирроқ эканини алоҳида таъкидлаган эдилар. Мустақилликни сақлаш эса бирикки авлод умри билангина ўлчанмайди. Эришган муваффақиятимизнинг кейинги синовлардан ижобий натижалар билан ўтиши учун, аввало, маънавият мезонимизни кўтариш талаб қилинади. Бунинг учун бизга зарурий имконият берувчи адабиёт ва санъат захираларидаги руҳий озуқалардан баҳраманд

бўлиш мақсадга мувофиқдир. Миллатимизнинг маънавияти ривожлансагина бугунги шиддатли ва тез ўзгарувчан замон муаммоларининг самарали ечимини топиш осон кечади.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз Ислон Каримов юртимизда бадий адабиёт ва санъатга бўлган муносабатини энг муҳим, долзарб масала сифатида баҳоламоқдалар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси билан 2009 йил 24 июнь куни бўлиб ўтган учрашувда ҳам миллатимиз маънавиятининг ривожланишида энг муҳим ҳисобланган китобхонлик масаласи илгари сурилди. Хусусан, Юртбошимиз бу ўринда шундай дедилар: «Тўғриси айтадиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан интернет орқали олапти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар «Ўткан кунлар», «Уруш ва тинчлик» каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?» Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш анчайин қийинлашиб бормоқда. Аслида, адабиёт ва санъатга бўлган муносабатни миллатимизнинг ҳар бир вакили ўзидан бошлаши керак.

Инсон маънавиятига бадий адабиётнинг нақадар ижобий таъсир кўрсатишини Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидаги ижобий қаҳрамонлар руҳий олами тасвири мисолида аниқ кўриш мумкин. Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Анвар ва Раъно ҳақида гап борар экан, ёзувчи «Бобурнома», «Ҳожа Аҳмад Ясавий ҳикматлари», «Фузулий ғазаллари»ни эслади. Ўқилган сўз санъати намуналарининг улар нутқи, саъй-ҳаракатларида намоён бўлишини меҳр билан ўз китобхонига етказди. Бундай гўзал бойликдан бебаҳра бўлган Ҳомид ва Абдурахмон ҳақидаги лавҳалар тамомила ўзгача тусда ифодланади. Абдурахмон Бухорои шарифда ҳам ўқишни эплай олмади. Мадрасадаги бадавлат мулла-ваҷчаларнинг маишат эҳтиёжларини қондирадиган ориятсиз қўғирчоққа айланди. Бинобарин, Абдулла Қодирий наздида инсон, аввало, инсон, экани учун бадий адабиёт ва санъат сирларидан баҳраманд бўлиши лозим. Бундай фазилат насиб қилмаганлар эса инсон қиёфасидаги Ҳомидлар ва Абдурахмонлар қаторидан ўрин олаверади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ходимларни юқори лавозимларга тавсия қилишда, уларнинг касбий лаёқатини баҳолашда китобхонликка алоҳида эътибор бериши бежиз эмас. Бу талабни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳалар бўйича ҳам татбиқ этишни жорий қилиш лозим. Чунки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир юртдошимиз, хусусан, давлат хавфсизлиги тизимидаги ҳар бир ходим, аввало ўзини зиёли деб ҳис қилиши керак. Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира асарлари, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода ижоди, қолаверса, «Алпомиш», «Равшан», «Кунтуғмуш» каби дostonлар, юзлаб эртаклар, минглаб мақоллардан иборат ажодларимиз мероси бугунги кун ўзбек фарзанди маънавий дунёсининг ажралмас қисми сифатида қабул қилиниши учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслигимиз даркор. Зотан, улар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажакини белгиловчи муҳим омилдир.

**Омонулла МАДАЕВ,  
филология фанлар номзоди,  
доцент.**

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги олдида

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллари давомида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ер юзининг кўплаб мамлакатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди. Жаҳон майдонида ўз конституциявий принциплари асосланган оқилона сиёсатни амалга оширмоқда. Эндиликда Ўзбекистоннинг ҳамкорлик, бунёдкорлик ва тенг ҳуқуқли шерикчиликка йўналтирилган тинчлик-севар ташқи сиёсати жаҳонда эътироф этилмоқда.**

Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврда мустақил ташқи сиёсат ҳақида сўз юритиш ҳам мумкин бўлмаган. Хатто марказ кўрсатмаси билан 1944 йилда номигагина ташкил этилган республика Ташқи ишлар вазирлиги кичик бир бинода жойлашган бўлиб, амалда ҳеч қандай ваколатга эга эмасди. Вазирлиқнинг кам сонли ходимлари «марказ»дан келган топшириқларни бажарар, кўпинча чет эллардан келган меҳмонларга хизмат кўрсатарди, холос. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрната олиш, ўзининг дипломатия соҳасидаги миллий кадрларини тайёрлаш, ўз фуқароларини хорижга юбориш ҳуқуқи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Эндиликда мустақил давлатимизнинг ташқи сиёсий йўли унинг сиёсий нуфузи ва жаҳон ҳамжамиятида туганган ўрни ҳамда аҳамиятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган ташқи сиёсатнинг асосий принципларида мамлакатимиз миллий манфаатларига жавоб берадиган давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистон учун халқаро муносабатларда муҳим мезон ўзаро ҳурмат ва ўзаро фойдали ҳамкорликка асосланган тенг ҳуқуқли шерикчиликдир. Айнан шу шерикчилик муносабатлари давлатларнинг суверен тенглигига асосланган принципларни, яъни куч ишлатмаслик ёки таҳдид солмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа принциплари ҳамда нормаларидан келиб чиқади.

Айниқса, 2012 йилда давлатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берди. Бу ҳужжат миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташқи шароитлар яратиш бериши, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат қуриш йўли-

даги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Унда давлатимизнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий принциплари, стратегик устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур қонунда мамлакатимиз турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши, очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон мафқуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида кўпгина узоқ ва яқиндаги хорижий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Чет давлатлар билан дипломатия, консуллик, иқтисодий, савдо-сотик, маданий, таълим ва бошқа гуманитар соҳалардаги алоқалар билан боғланган: мухтор вакиллар қабул қилмоқда ва ўзининг вакилларини юбормоқда, ўзаро манфаатли халқаро шартномалар тузмоқда, турли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз ўзининг ташқи сиёсатида дипломатия доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу фақат шунчаки бир мақсад бўлиб қолмай, асосан мамлакат ички ривожланиш эҳтиёжларига, юртимиз иқтисодиётининг барқарорлигига, жаҳонда кечаётган жараёнларга тезкор муносабат билдириш воситаси эканлигини англатади.

Тошкент шаҳрида турли давлатларнинг элчихоналари, қатор халқаро ва молиявий ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Хорижий мамлакатларда эса Ўзбекистон Республикасининг элчихона ва консулликлари, халқаро таш-

килотлар қошида ваколатхоналари мавжуд. Эндиликда Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси сифатида нафақат юртимиз, минтақамиз, балки умумбашарий аҳамиятга молик муаммолар ечимига оид масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этаётир. Давлатимиз етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалар билан алоқалар ҳам ўрнатган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият орасида чет эл давлатлари билан яқин алоқаларни ривожлантириши асносида, халқаро алоқалар нафақат бутун жамият ҳаётига, балки ҳар бир фуқарога ижобий таъсир кўрсатмоқда, яъни гуманитар алоқалар ва халқ дипломатияси кенг қулоқ ёзиб бормоқда. Эндиликда мамлакатимиз фуқаролари дунёнинг истаган мамлакатига эмин-эркин хизмат сафарига, ўқишга ва туризм мақсадида бориши учун кенг йўл очилди.

Глобаллашув жараёнлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қулай шароит яратмоқда. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши, уларнинг ҳуқуқий тизимлари бир-бири билан ва халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсирининг чуқурлашишига олиб келади. Кўп сонли халқаро нормалар давлатлар ички қонунчилигининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Яхши қўшничилик принциплари Ўзбекистоннинг узоқ тарихий ўтмишига бориб тақалади. Мамлакатимиз ҳудудидан Шарқдан Фарбга савдо қарвонлари қатнаган Буюк Ипак йўли ўтганлиги туфайли давлатимиз қадимдан Хитой, Ҳиндистон, Франция, Испания каби кўплаб Осиё ва Европа мамлакатлари билан тарихий ришталар ила боғланган. Тенг ҳуқуқли шерикчилик аъналарига улуғ бобокалонимиз Амир Темур асос солган. У ҳокимиятни бошқарган даврда кўпгина давлатлар билан ҳар томонлама алоқа ўрнатган. Агар Амир Темурнинг Европа мамлакатлари ҳукмдорлари билан бизгача етиб келган ёзма мақтуларидан келиб чиқсак, «кўҳна қитъа» буюк Соҳибқирон давлати билан ўзаро манфаатли дипломатик муносабат ўрнатганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ҳам қўшни давлатлар билан тенг ҳуқуқли шерикчилик, қўшничилик муносабатлари ўрнатган. Ўзбекистонни улар билан чуқур тарихий, маънавий, диний ва маданий муштараклик боғлаб туради.

Ўзбекистон яхши қўшничиликни ривожлантиришга йўналтирилган халқаро тадбирларнинг ташаббускори

бўлиб келяпти. Жумладан, ўтган йиллар давомида Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилганга йўналтирилган кўпгина конструктив ташаббуслар билан чиқди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ шафелигида терроризмга қарши кураш бўйича Халқаро марказ тузиш, Афғонистонда тинчлик жараёнларини фаоллаштириш, Марказий Осиё ҳудудини ядро қуролидан холи деб эълон қилиш ва бошқа кўпдан-кўп ташаббус ҳамда таклифлари биргина мақсадни кўзлаб илгари сурилган. Бу ҳам бўлса тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни, минтақа давлатлари ва халқлари ўртасида аънавий дўстлик ҳамда ўзаро бир-бирини тушуниши таъминлашдир.

Ўзбекистон афғон муаммосини ҳарбий куч ишлатиш йўли билан бартараф этиб бўлмаслиги, жафокаш Афғонистон заминидан тинчлик ва осойишталикка фақат сиёсий воситалар, мулоқотлар йўли билан эришиш мумкинлигидан келиб чиқиб, ўз муносабатини заминидан тинчлик ва осойишталикка фақат сиёсий воситалар, мулоқотлар йўли билан эришиш мумкинлигидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдирди. Афғон муаммосини ҳал этишнинг аниқ-равшан ягона йўли ушбу мамлакатда тинчлик жараёнини бошлаш учун дунё ҳамжамиятининг кўмак бериши эканлиги таъкидланди. Мамлакатимиз тинч ва барқарор Афғонистон билан халқаро ҳуқуқнинг қабул қилинган умумий меъёр ва тамойиллари асосида яхши қўшничилик муносабатларини қуришга тайёрлигини изҳор этди. Зеро, Ўзбекистон Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлигини, минтақада яшаётган халқлар тақдири учун масъулиятини чуқур англайди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш доирасида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим йўналиши Марказий Осиёда ва унга қўшни минтақаларда оммавий қирғин қуроллари тарқалмаслигига эришиш ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги ташаббуси кўллаб-қувватланиб, 2006 йилда Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилинди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да давлатимиз раҳбари халқаро терроризм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб таклифларни илгари сурди. Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир

бор Орол муаммосига қаратди. Оролбўйидаги вазият нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун ер қурра-си мамлакатларининг экологик муаммосидир. Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари «Мингйиллик саммити»да экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ишларга халқаро ташкилот ва донор мамлакатлардан молиявий воситалар жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қилди. Бундан ташқари, БМТнинг ихтисослашган муассасалари (ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) билан ҳамкорликда мамлакатимиз аҳолиси соғлиғи, таълим, болалар ҳуқуқлари ва бошқа бир қатор соҳаларда ижтимоий лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон ШХТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро терроризм, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини кўллаб-қувватлаш келяпти. Ҳеч шубҳасиз, ШХТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ҳамда тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ҳозирги замон таҳдидларининг янги кўринишлари – терроризм, экстремизм ва наркоагрессияга қарши курашни устувор мақсад этиб қараётган биринчи ташкилот сифатида эътироф этди. Бу борада Ўзбекистон фаол самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва ялпи хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, бунда ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**  
юридик фанлар доктори.



## Соҳа фидойилари

**Ҳар бир касб-хунар эгасининг ўзига яраша одати бўлса керак. Майор Олим Жамоловнинг одати шундайки, йуриқномадан қайтгач, ҳар куни маҳалла айланади. Кўп қаватли уйларни оралайди. Турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ёнидан ўтади. Йўл-йўлакай ураган одамлар билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетаверади. Шу қисқа мулоқот чоғида ҳар бир жойдаги вазиятни билади-қўяди. Шунга қараб иш режасига ўзгартириш киритади.**

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҲООБ милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Олим Жамолов хизмат кўрсатадиган Ибн Сино маҳалласи кўп қаватли уйлардан иборат. Худудда етти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу шунча феъл-атвор дегани. Айримлар яхши гапга тушунади. Баъзилар талабингизни қонун билан асосласангиз ҳам, тушунишни истамайди. Бир гал Олимжон шундоқ йўл устига

ларда кўпни кўрган отахону онахонлар билан маслаҳатлашади. Сўнг мурожаат этувчини чақиртириб, биргаликда бир қарорга келишади.

Аксар ариза ва шикоятлар ўзаро олди-берди, оилавий жанжаллар бўйича бўлади. Оилавий келишмовчиликлар-

қилиб қўйинлар», деб тайинлайди. Лекин ўзбекчилик, одамнинг юзи иссиқ дегандай, барибир, кўпчилик кўни-қўшнисига, қавм-қариндошига ҳеч қандай расмийлаштирмасдан қарз бериб юбораверади. Кейин айримлари пулини қайтариб ололмай овраи сарсон бўлади. Сўнгги пайтларда бу муаммони ҳал этишнинг ҳам мақбул йўли топилди. Майор О. Жамолов олди-берди масалалари юзасидан берилган аризалар бўйича тегишли материалларни тўплаб, ишни ҳакамлик судларига оширапти. Ҳакамлик судлари эса томонларнинг сирини элга ош-

ўзлаштирмаслиги сабаб ҳайдалиш арафасида экан.

Хуллас, институтдан гумон қилинувчининг суратини олишиб, бир неча кун Чорсудаги гўшт бозорини айланишди. Ниҳоят, уни айна шу жойда гўшт савдоси билан шуғулланаётган пайтда қўлга олишди. Гумон қилинувчи жабрдийда билан юзлаштирилганида, айбига иқрор бўлди.

Яна гапни ўқиш-ўқмаслик мавзусига қайтсак. Олимжоннинг хизмат худудида истиқомат қиладиган муқаддам судланганлардан икки нафари устидан суднинг қарорига кўра маъмурий назорат ўрнатилган.

Нафсиларини айтганда, мақтанса арзигулик ютуқлари талайгина. Масалан, айрим оилаларда бирда-яримда жанжал бўлиб тургани билан ашаддий жанжалкаш оиланинг ўзи йўқ. Бор-йўғи икки киши ичкиликка ружу қўйган шахс сифатида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ҳам бири мажбурий даволашдан сўнг тузалиб, ишга тушиб кетди. Вояга етмаганлар томонидан жорий йилнинг ўтган даври ичида бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйилмади. Чунки маҳаллада болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Спорт майдончалари, стадионлар улар ихтиёрида. Мактабда, маданият марказида турли тўғараклар фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, инспекторлар тез-тез болалар билан учрашиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари ҳақида суҳбатлашиб туришади.

Лавҳамиз қахрамонининг энг катта ютуғи одамларнинг ишончини, хурматини қозонгани бўлса керак. Ўзига ҳам маҳалла аҳли қадрдон бўлиб қолган. Салкам ўн йил уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиб яшагандан кейин, бу табиий ҳол бўлса керак. Яқинда одатига кўра маҳаллада айланиб юрганида, тўққиз қаватли уйнинг йўлаги олдидаги ўриндикда ўтирган оқсоқол уни чақириб қолди. Одоб билан салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашиб, отахондан нима гаплигини сўради.

– Шу одатингни яхши кўраман-да, болам, – деди отахон. – Ҳар куни маҳалла айланасан, одамлардан ҳол-аҳвол сўрайсан, уларнинг дарди билан қизиқасан. Илойим, тупроқ олсанг олтин бўлсин. Олтин бошинг омон бўлсин. Умрингдан барака топ!

# ҚАДРДОН ЧЕХРАЛАР



чиқинди ташлаб кетаётган фуқарога дакки берганида, ҳалиги одам унга мушт ўқталиб ташланиб қолса бўладими.

Ушбу сатрларни ўқиб баъзи муштарийларимиз «Профилактика инспектори худуддаги тозалikka ҳам жавоб берадимми?» деб сўраб қолиши мумкин. Олимжондан ҳам гоҳида таниш-билишлари, ошна-оғайнилари «Ўзи сизлар нимага жавоб берасизлар?» деб сўрашганида, у ҳазил аралаш «Яхшиси, нимага жавоб бермайсизлар деб сўранглар», дейди.

Дарҳақиқат, маҳаллада профилактика инспектори аралашмайдиган масала деярли йўқ. Тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва ободончилик, бандлик, тадбиркорлик фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дейсизми. Муқаддам судланганлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллар, оилавий жанжалкашлар билан ишлаш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади.

Ҳа, айтганча, мурожаатлар хусусида. Маҳаллада яшовчилар майор Олим Жамоловнинг ўзига ҳам, тўғридан-тўғри туман ИИБга ҳам ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиб туришади. Олимжон йуриқномадан қайтишда ўз худудига тегишли мурожаатларни котибиятдан олиб келади. Ҳар бир ариза ва шикоятни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Назирхонова билан ўрганади. Чигалроқ масала-

ни ҳал этишнинг йўли осон. Чунки жанжал кўпинча эрнинг ишлалмаслигидан хотин норози бўлишидан келиб чиқади. Одамларни иш билан таъминлаш масаласида туман бандликка кўмаклашувчи маркази билан яқин алоқа ўрнатилган. Бундан ташқари, маҳалла худудида иккита мебель ишлаб чиқариш корхонаси, иккита кушхона, битта қандолатчилик цехи, гўшт маҳсулотлари цехи, кўплаб ошхонаю дўконлар бор. Олимжон уларнинг раҳбарлари билан яхши муносабатда. Бўш иш жойи бўлса, инспектор тавсия этган одамни қабул қилишади.

Афсуски, бекорчиҳўжалар ичида ноз-финоқ қиладиганлари ҳам учрайди. Нима эмиш – ойлиги кам эмиш. Тўғри, ҳамма корхона ҳам юқори миқдорда маош беравермайди. Айниқса, янги ишчига. Олимжон ялқовликка ўрганиб қолганларга шуни тушунтиради. «Нима, бекор юргангиз билан биров сизга бир сўм берармиди. Тома-тома кўл бўлур дейдилар. Кам маошга бўлса ҳам ишланг, ўзингизни кўрсатсангиз, моятангизни оширишади, яхши ҳақ тўланадиган вазифага ўтказишади», дейди. Хуллас, аксариятини кўндиради. Бироқ такасалтангликка ўрганиб қолганлари ҳам бор.

Олди-берди масаласини эса ҳал қилиш бир оз қийинроқ. Олимжон деярли ҳар гал маҳалла аҳли билан суҳбатлашганда: «Бировга қарз берадиган бўлсангиз, хат-қоғоз

кора қилмай, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган тарзда масалани ҳал қиляпти.

Одамлар орасида бўлишда ҳикмат кўп экан. Авваламбор, маҳалла аҳлининг дарду қувончидан бохабар бўласиз. Олимжон вақт топиб, одамларнинг тўю маъракасига бирров бўлса ҳам кириб ўтади. Корхоналарнинг раҳбарларидан қандай муаммолари борлигини суриштиради. Қўлидан келса, ёрдам, бўлмаса маслаҳат беради. Узоққа бориб ўтирмайлик, тикув цехи ташкил этилганида, корхона раҳбарининг илтимосига кўра, маҳалла раисини билан маслаҳатлашиб, ўттизга яқин хотин-қизни иш билан таъминлашди. Ҳозир ана шу цехда харидоргир болалар кийим-кечаклари, аёллар сумкалари тикиляпти.

Ўтган йилнинг охирлари эди чама-си. Кушхоналардан бирининг ёнидан ўтиб кетаётиб, корхона раҳбари билан сўрашар экан, унинг кайфияти йўқлигини сезиб:

– Ҳа, тинчликми, ака? – деб сўради.

Шунда кушхона эгаси дардини айтиб қолди. Маълум бўлишича, бир ёш йигит унинг ишончига кириб, пулини сотганидан кейин берман деб 17 миллион сўмлик гўшт олиб кетибди. Ваъда берган мuddатидан икки кун ўтса ҳам, у қорасини кўрсатмаётган экан.

– Унақада менинг номимга дарҳол ариза ёзинг. Аризангизда ҳамма маълумотларни батафсил қайд этинг, – деди.

Шундан сўнг аризадаги маълумотларга асосан профилактика инспектори, катта лейтенант Эркин Абдуллаевни Тошкент автомобиль-йўллар институтига юборди. Фирибгар йигит ҳақиқатан ҳам шу институт талабаси бўлиб, интизомсизлиги, дарсларни яхши

Улардан бири илгариги қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда ўз ўрнини топиб олди. Ҳозир тайинли жойда ишлайди, ҳатто машинаси ҳам бўлган. Аммо иккинчиси ёлчи-тиб ишлаш у ёқда турсин, белгиланган пайтда суҳбатга ҳам келмади. Инспектор уни яшаш манзилидан ҳам тополмади. Шундан сўнг маъмурий назорат қоидалари бузилганлиги ҳолати бўйича тегишли материалларни тўплаб, расмийлаштириб, туман ИИБ тергов бўлимига оширди.

Бундоқ ўйлаб қараса, шу маҳаллада хизмат қиладиганига саккиз йилдан ошибди. Фаолияти давомида турли ҳолатларни бошдан кечирди. Баъзи раҳбарлар «Нега худудингдан аризалар тушади? Қаёққа қараяпсан? Ишляпсанми ўзи?» деб ҳамкасблари орасида койиган пайтлар ҳам бўлди. Шунда кўнгли чўкиб, қўли ишга бормай қолганида, ўзига ўзи «Мен шу соҳани танлаганман. Ҳар қандай вазиятда ҳам



эл-юрт тинчлик-осойишталиги йўлида хизмат қиламан деб қасам ичганман», деб яна ишга киришиб кетди.

Айрим раҳбарлар эса «Олимжон, аҳолидан ариза-шикоят тушиши табиий ҳол. Буни ҳаёт дейдилар. Энг муҳими – ҳар бир мурожаатни ҳолислик билан кўриб чиқ. Токи ҳақиқатга озор етмасин», дея кўнглини кўтарди. Шундан сўнг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилди. Ҳа, бир оғиз ширин сўзга нима етсин.

Бу дуодан сўнг Олимжоннинг кўнгли тоғдай кўтарилди. У беҳуда яшамётганига, умри зое кетмаётганига ишонч ҳосил қилди. Балки, ҳақиқий бахт деганлари шудир.

**Улуғбек ТУЙМАОБОВ,**  
подполковник.  
**Бобомурод ТОШЕВ,**  
журналист.

**Суратларда:** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.

**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

Соҳамиз маликаси

## БУХОРОНИНГ МАЛОҲАТИ

**Мустақиллик йилларида хотин-қизларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз томонидан берилётган юксак эътибор самараси ўларок, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, ички ишлар идораларида ҳам аёлларнинг фидойилик билан хизмат қилаётганига гувоҳмиз. Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси канцелярия бошлиғи, сержант Малоҳат Бозорова шундайлардан бири. Унинг касб танлашида отаси Холмўмин аканинг хизмати катта бўлган.**

«Интилганга толе ёр», деб бежиз айтилмаган. Малоҳат осойишталик посбони биллими, жасур, матонатли бўлиши лозимлигини яхши биларди. Шунинг учун мактаб давридан ушбу талабларга муносиб бўлишга ҳаракат қилди. Нияти жиддий эканлигини кўрган яқинлари уни қўллаб-қувватлашди. Спортнинг таэквондо тури билан шуғулланиб, шаҳар миқёсидаги мусобақаларда голиб бўлди. Кейинчалик вилоят биринчилигида ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Бухоро енгил саноат коллежини тугатгач, вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасига ҳужжат топширди. Раҳбарият у эришган ютуқларни кўриб, «Бизга шундай спортчи қизлар ҳам керак», дея катта ишонч билан 1-алоҳида милиция батальонига милиционерлик лавозими-

га хизматга қабул қилди. Малоҳат кўп ўтмай, ҳамкасблари ва раҳбариятнинг ишончини оқлади. Шу боис уни бўлинма командири лавозимига ўтказишди.

– Ана шундан кейин хизмат фаолиятимда янада масъулиятли дамлар бошланди, – дейди Малоҳат. – Оддий ходим фақат ўзи учун жавоб берса, бўлинма командири қўл остидагиларнинг хизматини назорат қилиши, уларнинг ўз вазифаларини талаб даражасида бажаришини таъминлаши, хизматолди йўриқномаларини ўтказиб бориши, энг асосийси, объектларнинг ишончли кўриқланишини таъминлаши лозим. Бунинг учун ходимлар билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишни широрга айлантирганмиз.

Сержант М. Бозорова сабр-бардошлилиги, ўз устида ишлаши туфайли тез ора-

да янги вазифани уддалаб кетди. Айниқса, кўриққа олинган объектлар маъмурияти билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганлиги хизмат самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Унинг хизматлари ҳақида вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Музафар Эргашев илиқ фикрлар билдириб, жумладан, шундай деди:

– Малоҳатхон ўз касбини яхши кўради. У барча вазифаларни пухта бажаради. Қолаверса, фақат зиммасидаги вазифаси билан чекланиб қолмайди, жамоат ишларида ҳам фаол. Аёллар ўртасида ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Масалан, яқинда ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш хизмати жамоалари ўртасида ўтказилган кўрик-



танловнинг республика босқичида иштирок этиб, «Энг яхши кўриқлаш хизмати ходимаси» номинациясида мутлақ голиб бўлди. Унинг бу ютуғи туфайли бошқармамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Жамоада ҳамма уни ҳурмат қилади, доимо фахр билан тилга олишади. Шундай ютуқлари учун у республика ИИВнинг эсдалик қўл соати билан тақдирланганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Малоҳат касб сир-синаотларини ўргатган устозлари, – подполковник Акрам Ҳамидов, майор Зумрад Курбонова ҳамда капитан Дилрабо Юсуповадан бир умр миннат-

дор. Ўзи ҳам ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, хизмат бурчиға садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мурод Авезов, Бекзод Зарипов, Дилшод Жумаев сингари ўнлаб ёш сафдор ходимлар шундай устозлари борлигидан фахрланиб, хизматда у каби муваффақиятларга эришишга ҳаракат қилишаётгани қувонарли ҳолдир.

**Жўрабек МУРОДОВ,**  
катта лейтенант.  
**Мирзокул АҲАДОВ,**  
ўз мухбиримиз.  
*Бухоро вилояти.*

**Суратда:** сержант Малоҳат Бозорова.

**М. ФАНИЕВ олган сурат.**

### Саломатлик сабоқлари

## БОЛАНГИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСАНГИЗ...

**Ҳозирги даврда болаларнинг тез касалликка чалинаётгани кўпчиликка маълум. Бу муаммо билан оналар асосан бола 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлган даврда тўқнаш келади. Бунинг сабаби, боланинг ташқи муҳит билан мулоқоти кенгайишидир, яъни у болалар боғчасига қатнай бошлагач, мулоқот қилувчилар сони яна ҳам ошади.**

Агар бола йил давомида олти мартадан кўп касалланса, уни «тез касалланувчи болалар» гуруҳига киритиш мумкин. Бунда бола соғлом туғилган ва сурункали касалликларга чалинмаган, бу ҳолат туғма ёки наслий саналмайди.

Келинг, кейинги пайтда тез касалликка чалинувчи болаларнинг сони нега ошиб бораётганлигини таҳлил қилиб кўрайлик. Кўпинча, ота-оналаримиз болаларининг тез-тез касалланишида боғча ёки шифокорларни айблашади. Тўғри, бола боғчага бориши билан унга нотаниш бўлган вируслар ва бактерияларга тўқнаш келади ҳамда унинг иммун тизими бунга ўз жавобини беради. Бола боғчага жуда кичиклигидан боради. Бу давр унинг иммун тизими критик ўзгариш даврига тўғри келади.

Бундан ташқари, бир қанча ички ва ташқи

омиллар борки, булар ҳам болани тез касалликка чалинувчан бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Ички омилларга она ҳомиладорлик даврининг токсикоз ёки камқонлик билан кечиши, ҳомила ичи инфекциялари, ҳомила гипоксияси ёки болада туғилганидан кейин ривожланиши мумкин бўлган гипотрофия, рахит, диатез, анемия, эрта сунъий овқатлантиришга ўтказиш, аллергия, лор аъзоларининг сурункали касалликлари, ичак дисбактериози ҳам сабаб бўлади.

Ташқи омиллар – оилада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, нотўғри овқатлантириш, тоза ҳавода кам бўлиши, дори воситаларини, яъни антибиотиклар, вирусга қарши дорилар, иммуномодуляторларни кўр-кўрона, шифокор маслаҳатисиз ишлатиш, сурункали лор аъзолари ка-

салликларига чалинган инсонлар билан мулоқоти – буларнинг ҳаммаси иммун тизими ривожланиб келаётган болага ўз

кор бола ҳолатини тўғри баҳолаб, ташхис қўйиши мумкин.

Педиатр кўригидан ташқари болани тор му-

да ўтказилиши керак. Болага махсус профилактика мақсадида ўтказиланидиган эмлаш ишларининг ҳам ўз вақтида

ловчи жисмоний тарбия, массаж, физиотерапия ташкил этади.

Кундалик тартибга риоя қилиб болани кун давомида чарчатиб қўймаслик, стресс ҳолатларидан асраш, албатта, кундузи ҳам ухлатиш, хонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Болани тўғри овқатлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Яъни унинг кундалик рациона витаминларга бой, хилма-хил бўлиши, бунда сут маҳсулотлари, гўшт, тухум, сабзавот ва мевалардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Болани эрталабки бадантарбия билан ёшига мос машқлар ёрдамида шуғуллантириш керак. Бир йил давомида уч-тўрт мартаба 10-14 кундан массаж, мавсумда албатта, тоғ ён бағрида ҳаво алмаштириш, чиниқтириш бола соғлигини тиклашда катта ёрдам беради. Чунки жисмонан бақувват, чиниққан болаларгина соғлом, тетик, ақлан баркамол бўлиб вояга етишади. Буни ҳар бир ота-она нунутмаслиги лозим.

**Чарос ЖУМАНОВА,**  
ИИБ марказий  
поликлиникаси  
педиатрия бўлими  
шифокори.



таъсирини кўрсатмасдан қўймайди.

Бундай болалар, албатта, шифокор-педиатрнинг диспансер назоратига олиниши шарт. Ота-оналаримиз болада шамоллаш белгиларини кўришлари билан шифокор-педиатрга олиб келишлари ва унинг тавсиясига кўра, даво чораларини ўтказишлари керак. Чунки фақат шифо-

тахассислар кўригидан ҳам ўтказиш керак. Бунда лор шифокорининг кўриги муҳим ўрин тутди. Лор шифокори боланинг томоқ, бурун, кулоқ аъзоларининг соғломлик даражасини ёки аксинча, даволашга муҳтож эканлигини аниқлаб беради ва албатта, шифокор маслаҳатига кўра, керакли лаборатор текширувлари ҳам ўз вақти-

қилиниши иммун тизими мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Албатта, тез-тез касалланувчи болаларни даволаш жуда муҳим, лекин бундай болаларнинг соғлигини тиклаш ва касалланишлар даврини камайтириш янада муҳимроқ. Бунда даволаш асосини кундалик тартибга риоя қилиш, тўғри овқатлантириш, даво-



## ОШҚОЗОНДАГИ «СЕЙФ»

Доминикан Республикаси божхоначилари шу вақтгача учрамаган гайритабиий ҳолатга дуч келишди. Гап шундаки, исми-шарифи сир тутиладиган 40 ёшли сайёҳ аёл катта миқдордаги хориж валютасини ноодатий тарзда, аниқроғи, ошқозонидан сейф сифатида фойдаланиб олиб ўтмоқчи бўлган. «Examiner» номидаги манбада келтирилишича, божхоначилар контрабанда маҳсулотларини ҳар хил йўл, усуллар билан олиб ўтишга уринган қонунбузарларни кўп кўришган, лекин бунақасини...

Бельгиядан учиб келган аёл аэропортни тарк этаётганида божхоначилар томонидан ушланган. Унинг буюмлари кўздан кечирилганида жамадонидан 69 минг АҚШ доллари топилган. Лекин бу ҳаммаси эмас экан. Текширув давомида унинг ошқозонидан оз эмас-кўп эмас, нақд 70 минг АҚШ доллари борлигини, сумма 16 та капсула ҳолида қадоқлангани аниқланган. Ҳар бир капсула эса 4 минг 375 доллардан иборат бўлган.

Энг ажабланилиши, қонунбузар сайёҳ қорин оғриғидан безовта бўлмаган. Ваҳоланки, тиббий нуқтаи назардан ошқозонда нақд пулни ташиш, жойлаштириш жуда хавфли саналади.

## КИНОДАН ТАЪСИРЛАНИБ...

Хоҳлаган пайти кўчага чиқиб кетиш, дўстлари билан биронта кафеда улфатчилик қилиш, хотинининг қулоқни қоматга келтирувчи хуррагини эшитмаслик... Ирландиялик сантехник Петси Керрнинг энг катта орзуси эди булар. Лекин турмуш ўртоғи бунга йўл қўймасди. Унинг чизган чизғидан чиқолмайдиган, ҳар бир топширигини сўзсиз бажаришга одатланган Керр бир куни Голливуд кино ижодкорлари суратга олган «Шоушенкдан қочиш» фильмини томоша қилиб, барча муаммоларига ечим топгандек бўлди.

Керр ўз кароватининг тагидан маҳаллий барга қараб туннел қазишга киришди. Бунинг учун у аввал хотинининг ухладини кутар, уйкуга кетгандан кейин қазишни бошларди. Қазишда аввал қошиқдан, кейин белкурак, кирка, охирида қаттиқ жинсларни кўчирадиган катта болгадан ҳам фойдаланди.

Хуллас, туннелни қазиб тугатиш учун қахрамонимизга 15 йил керак бўлди. 2009 йили туннел у бормоқчи бўлган барнинг аёллар ҳожатхонасига бориб туташди ва Керр учун «боғи эрам» эшиклари очилгандай бўлди. Чунки у ҳар куни соат 23:00гача ётоғида турмуш ўртоғининг ухладини кутар, шундан кейин ўзининг яширин йўлидан секингина барга равона бўларди. Улфатчиликни маромига етказиб, эрта тонгда ҳали хотини уйғонмасдан ўша йўлдан орқага қайтар, ҳеч нарса бўлмагандек жойига келиб ётарди.

Керрнинг сирни тасодифан ошкор бўлиб қолди. Мутахассислар оқава сувлар оқиб тушадиган қувурларда учраётган муаммоларни ўрганаётганида сирли ер ости йўлига дуч келишди. Керр уни қазишда баъзи қувурларга зарар етказган экан.



## ШИФОКОРНИНГ ХАТОСИ



Грециянинг Салоник шаҳрида яшаган 45 ёшли аёл ўлгандан кейин шу ҳудуддаги қабристонга кўмиладиган бўлди. Аёл рақ касалидан вафот этган, унинг ўлимидан даволовчи шифокори ҳам тасдиқлаган эди.

Мархумани кўмиш маросими якунига етгач, барча яқинлари қабристонни бирма-бир тарк эта бошлади. Лекин орқада қолган икки-уч киши тўсатдан ҳозиргина тупроқ тортилган қабрдан аёл кишининг овозини эшитиб, ваҳимага тушиб қолишди.

Саросима ва кўрқувга тушган мархуманин яқинлари шошилиш равишида қабрни қайтадан очишди. Лекин вақт кутиб турмайди. Бир амаллаб тобутни очиб кўришганида аёл аллақачон ҳаво етишмаганидан бўғилиб ўлган экан.

Шу жойда текширув ўтказган тиббиёт ходими аввал у тирик бўлганини, кўмиладигандан кейин ҳаво етишмаслиги туфайли ҳақиқий ўлим топганини таъкидлади. Эндиликда мархуманин қариндошлари даволовчи шифокорни судга беришмоқчи.

## ОЙПАРАСТ ҚИЗЧА

Эрталаб 6:15да Норвегиянинг Хонингсвог шаҳрида яшовчи киши полицияга мурожаат этиб, эшиги олтидан битта труси ва энгил туфлида ухлаб ётган тўрт ёшлардаги қизалоқни топиб олганини маълум қилди.

Кейин аниқланишича, қизча тунда уйдан ухлаган ҳолда чиқиб кетган. Шу ҳолатда тўрт километр йўл босган. Одатда Норвегиянинг шимолий қисмида жойлашган мазкур шаҳарда бу вақтда жуда кучли шамол бўлиб, ҳаво ҳарорати нол градусдан ҳам тушиб кетади. Лекин бу шамол ва совуқ ҳам қизчани уйқудан уйғота олмабди. Унинг бахтига машина ҳам учрамаган. Йўқса, биронтасининг тагида қолиб кетиши мумкин эди.

Фарбий Финмарк полицияси бошлигининг маълум қилишича, ойпараст қизча уйғотилиб, манзили ва ота-онаси ҳақида сўралганида у ҳаммасини айтиб берган. Шу орқали унинг яқинлари билан алоқа ўрнатилган. Ота-онаси-



нинг таъкидлашича, қизлари олдин ҳам тушида ўрнидан туриб, уйни айланиб юрар, лекин бу тарзда узоқ масофага чиқиб кетмаган экан.

Ҳозирда қизалоқ ўзини яхши тутмоқда, ҳеч қандай хавф соғлиғига таҳдид солмайпти.

## АҲМОҚОНА ЎҒРИЛИК

АҚШнинг Миннесоте штатида яшовчи Жеймс Вуд уйига кирди-ю, саросимага тушиб қолди. Чунки уйдаги буюмлар сочилиб ётар, кредит карточкалари, маълум миқдордаги нақд пул ва қўл соатлари йўқолганди. Янаям ҳайратланарлиси, қақирилмаган меҳмон ўзининг оёқ кийими, қайиши ва шимини ташлаб кетган эди.

Жеймс аввалига нима бўлганини тушунмай иккиланиб турди, лекин ёниқ турган компьютерини, ижтимоий тармоқда унга нотаниш киши номидаги аккаунтни кўриб нима бўлганини тушунгандек бўлди. Аккаунт Николас Уиг номига очилганди. Уй соҳиби ижтимоий тармоқда очиқ турган саҳифа билан танишиб, компьютеридан айнан уйига тушган ўғри фойдаланганини фаҳмлади. Тезда Николас Уиг номидан хабар эзиб, уйига ўғри тушганини билдирди. Сўнг ўша ерда ўзининг телефон рақамини қолдирди ва Н. Уиг ҳақида кимда маълумот бўлса, унга кўнғироқ қилишларини сўради.

Кечки пайт Жеймсга Николас Уиг номидан хабар келди. Унга жавобан агар ўғирлаган нарсаларни қайтарса, ўзининг буюмларини олиб кетиши мумкинлигини, бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслигини билдириб жавоб ёзди. Хуллас, уй соҳиби ва ўғри ижтимоий тармоқдаги ўзаро эзишма орқали шунга келишиб олишди. Жиноятчи жабрланувчининг уйига яқинлашиб қолганида, Жеймс дарҳол полицияга хабар берди. Натижада Николас Уиг полиция томонидан қўлга олинди ва суд қарорига кўра 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жеймс Вуд бу ўғриликни дунёдаги энг аҳмоқона ўғрилик бўлса керак, дея баҳолади.

## ҚАРИЯ ДЕМАНГ БИЗНИ...



«Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» деган иборани Жанубий Африка Республикасида яшовчи 72 ёшли Ивонну Фильон исмли онахонга нисбатан бошқароқ талқин қилган маъқулроқ: «Қария деманг бизни, додингизни берамиз сизни». Нега дейсизми? Унда эшитинг.

Яқинда кўчада кетаётганида кутилмаганда онахонга икки барваста йигит ҳамла қилди. Бири 21, иккинчиси 18 ёш бўлган талончилар унинг сумкасини тортиб олишга уринишди. Лекин улар чучварани хом санашган экан.

Кампирни кекса, ожиз деб ўйлаб улардан бири Ивоннуга яқин келганида онахон унинг кўкрагига яхшилаб мушт туширди. Буни кутмаган зўравон ерга йиқилди. Кампирнинг яна ҳужумга ўтаётганини кўриб, иккиси ҳам қочишга тушиб қолди. Ивонну бу билан чекланиб қолмай уларнинг орқасидан тақибни давом эттирди. Йўлда эса талончиларнинг йўлини полиция тўсиб чиқди ва қўлга олди.

Аввал ҳам шундай қилмиши учун судланган талончилар яна қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишди. 72 ёшли Ивонну Фильон эса кўрсатган жасорати учун «ниндзя-буви» деган ном олди.

## Қўл-ОЁҚСИЗ БАЛИҚ ОВЛАЙДИ



Балки, бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаётгандирсиз. Лекин АҚШнинг Теннеси штатида яшовчи 36 ёшли Клей Дайер буни амалда исботлади.

Қўл ва оёқсиз туғилган Клей болалигидан балиқ овлашга қизиқгани учун профессионал балиқчи бўлишни орзу қиларди. Ҳозирги пайтда у дунё миқёсида қармоқ ёрдамида балиқ овлаш бўйича ўтказиб келинаётган кўплаб мусобақаларда иштирок этиб келмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган ана шундай мусобақада етти минг дондан ортиқ балиқ овлашга муваффақ бўлди. Энг катта тутган балиғи эса 280 килограмм тош босди. Эътиборли жиҳати, у мусобақа давомида ногиронлар учун мўлжалланган махсус қармоқлардан фойдаланишни рад этди. Айтганча, ов пайтида унинг қўллари ўрнини бўйни ва елкаси бажаради.

– Болалигимда спортнинг уч тури билан шуғулланиб келардим. Булар – бейсбол, америкача футбол, баскетбол. Лекин кейинчалик мен қармоқ билан балиқ овлашни танладим. Негаки, бу спорт тури менинг юқори натижаларга эришишим учун энг яхши имкониятдир, – деди у журналистларга берган интервьюсида.

## Қилмиш-қидирмиш

...Сўғдиёна Омонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир қараганда одамларга фақат яхшилик қиладиган аёлга ўхшайди. Унинг Розия исмли опаси ва Нигина исмли синглисини ҳам кўринишдан ёмон одам деб ўйламайсиз. Бироқ бу уларнинг зохирий кўринишлари. Яъни улар билан илк маротаба кўришиб, гаплашганда ҳосил бўладиган алдамчи таассурот, холос. Аслида эса бу опа-сингилларнинг ичида ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган фирибгарлар қиёфаси яширинган.

– Навоидан «ёғли мижоз» чиқиб турибди. Қандай бўлмасин, уни кўлдан чиқармаслигимиз керак. Бор «хунар»ларингни ишга солинглар, токи этагимизга маҳкам ёпишсин, – деди Сўғдиёна опаси ва синглисига янги режаси ҳақида сўзлаб бераркан.

Опа-сингиллар шу тарика ишга киришди. Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Зилола Рўзиевани ўзларининг қармоғига илтириш учун аврашди:

– Синглим, ўқимоқчи бўлиб юрган экансиз, шундайми? Омад кулиб боқди, деяверинг. Москвадаги «Современная гуманитарная академия»нинг Навоий шаҳридаги филиалига ўқишга киритиб қўямиз. Ҳаммаси қонуний бўлади, ўқиш учун шартнома тузилади. Фақат тўловлардан қочма-

## МАККОРА ОПА-СИНГИЛЛАР

сангиз бас, талабадан деб ҳисоблайверинг.

Биринчи уринишдаёқ нақд 1000 АҚШ долларини қўлга киритган «ҳожатбарор»лар буёғига отни қамчилашди. «Энди ҳужжатларингизни Россия Федерациясидан

киритишади. Тўрт йил ўтган эса, янги гап ўйлаб топишди: «охирги ҳисоб-китоблар учун 1 миллион 865 минг сўм пул беришингиз керак. Яна йўл кира учун ҳам 105 минг сўм берасиз». Бунга ҳам нафси қонмаган «ҳожатба-

корхонада, компьютер техникаси ёрдамида тайёрланган, давлат рўйхатидан ўтмаган ва тасдиқланмаган, номигагина рақамланган қалбаки дипломни олган Зилола Рўзиева бу гал ҳам чув тушди. Якка ўзи эмас, икки укасини етаклаб «Қаердасан, Москва», – дея сафарга отланди.

Ўзи ва укалари, қолаверса, «ҳомийлари» учун тўртта чипта харид қилгани етмагандек, Сўғдиёнага «бошқа харажатлар учун» 5000 АҚШ долларини беради.

Манзилга етиб боришгач, илоннинг ёғини ялаган Сўғдиёна уларга қарата: «Сенлар ишлашларинг керак. Бу ерда отанг ҳам, онанг ҳам ўзимман. Полицияда ҳам танишларим кўп. Агар бўйин товласанглар сенларни айтиб ушлатаман, ана ўшанда қийин бўлади», деб опа-укаларни кўрқитади. Уларни қарийб бир йил давомида турли жойларда ишлатиб, иш ҳақларини бермай, ўзлаштириб юборади...

Ўзганинг ҳақи бировга сира буюрмаган. Фирибгар опа-сингиллар ҳам нопоклик ортидан орттирган пулларни эгасига қайтаридиган ва фирибгарликлари учун тегишли жазосини оладиган бўлишди.

**Шаҳодат ЗАЙНИДДИНОВА,**  
капитан.  
Қашқадарё вилояти.



рўйхатдан ўтказиш учун пул керак» деб яна 700 АҚШ долларини кўртдай санаб олишди. Зилола эса олий ўқув юртининг остонасидан ҳам ўтмасдан талаба бўлдим дея қувончи ичига сиғмай юрарди. Негаки, устаси фаранг опа-сингиллар уни бир неча бор уйларига чақириб, интернетдан қандайдир топшириқларни бериб, уни ўқиётганига ишонтиришган эди. Зилоланинг бу гўллигидан фойдаланган опа-сингиллар тўрт ўқув йили учун 4000 АҚШ долларини қўлга

рорлар» сертификат олиб берамиз деган баҳонада Зилоладан яна 100 АҚШ долларини олишади.

Нафси ҳақалак отган Сўғдиёна Омонованинг фирибгарлиги шу билан тугамади. У яна Зилолани аврашга тушди: – Москвада магистратурада ўқишни хоҳлайсанми? Укаларинг Илҳом ва Мирзони ҳам ўша жойда олий ўқув юртига ўқишга киритиб қўяман...

«Современная гуманитарная академия»нинг юриспруденция ихтисослиги бўйича ўқиганлиги ҳақидаги хусусий

## Жиноятга жазо муқаррар



## ШУМ НИЯТЛИ ЖИЯН

Назокат ая (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳар доимгидек эрта турди. Намозини ўқиб, тиловат чоғида элга омонлик, юртга тинчлик-осойишталик тиларкан, «ёмонларга инсоф бер», дея дуо қилди. Бугун унинг туғилган куни. Ёлғиз фарзанди Акромжон узоқ хорихдан қўнғироқ қилиб, уни таваллуд айёми билан қутлади. Қариндошларини таклиф қилишини, улар иштирокида туғилган кунини нишонлашини тайинлади.

Кечга яқин Назокат аянинг уйига биринкетин қариндошлари кириб келишди. Бир зумда хонадони хурсандчиликка, ўйинқулгига тўлди. Хонадон соҳибасини қутлуғ кун билан табриклаб, унга узоқ умр, бахтсаодат тилашди. Онахон бундай эътибор ва эҳтиромдан кўнгли тоғдек кўтарилди, юз-кўзида қувонч порлади. Меҳр-оқибатли қариндошлари борлигидан мамнунлик ҳиссини туйди. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, меҳмонлар – Назокат

аянинг қариндошлари орасида унинг ҳайхотдек уйини, хоналардаги кўркам мебелларни, қандил, гилам ва бошқа қимматбаҳо буюмларни кўриб, юрагида ҳасад уйғонганлари ҳам бор эди. Улардан бири онахоннинг жияни Гулчехра эди. «Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлган бу кампир бунча мол-дунёни нима қиларкин?» дея хаёлидан ўтказди у. Сўнг кўнглига туккан шум ниятини ими-жимидан амалга ошириш режасини туза бошлади.

Кеч бўлди. Меҳмонлар Назокат ая билан хайрлашиб, секин-аста уйларига кета бошлашди.

– Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, ётиб қолинглар, – деди онахон қариндошларига.

Бу таклиф Гулчехрага мойдек ёқиб тушди.

– Холажон, майли, булар кетаверсин. Сизни ёлғиз қолдирмайман, мен ўзим бу

кеча ёнингда қоламан, – деди онахоннинг пинжига кириб.

Ҳамма уй-уйига тарқалди. Назокат ая ва унинг «меҳрибон» жияни алламаҳалгача сўхбатлашиб, тонга яқин уйкуга ётдилар. Лекин Гулчехранинг кўзига сира уйку келмади, режасини амалга ошириш учун пайт пойлаб тўлғониб чиқди. Ниҳоят, кун бўйи меҳмон кутиб ҳолдан тойган Назокат ая донг қотиб ухлаб қолди. Айни шуни кутиб турган Гулчехра секингина ўрнидан турди. Хоналарни бирма-бир кўздан кечириб чиққач, навбат ётоқхонага келди. Ётоқхона жавонида турган «сирли сандиқча» эътиборини тортди. Унинг ичида баҳоси 18 миллион 100 минг сўмлик турли тилла тақинчоқлар, 1000 АҚШ доллари, баҳоси 100 минг сўм бўлган фотоаппарат ва Назокат аянинг фуқаролик паспорти ҳамда уй ҳужжатлари бор эди. Гулчехра уларнинг ҳаммасини олиб, секингина ташқарига йўналди...

Орадан бир кун ўтди. Назокат ая зарурат юзасидан паспортини олмоқчи бўлиб ётоқхонадаги сандиқчани очганида, фуқаролик паспорти, тилла буюмлар ва пуллари йўқолганини пайқайди. Бу ҳақда Бухоро шаҳар ИИБга мурожаат қилди.

Ўтказилган тезкор-суриштирув тадбирлари давомида Гулчехра ўзининг қинғир иши натижасида Назокат аяга салкам 20 миллион 400 минг сўм миқдоридан моддий зарар етказгани аниқланиб, қўлга олинди. Тергов жараёнида у барча қилмишларини тан олиб, бундан пушаймон эканлигини билдирди. Бироқ сўнги пушаймондан не наф. Зеро, ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирган Гулчехра ҳам қонун олдида жавоб беришга мажбур.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ,**  
катта лейтенант.  
Бухоро вилояти.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

**Санавбархон Азим ОДИНАЗОДА.** 1990 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани «Вангози» қишлоқ фуқаролар йиғини Вангози маҳалласида яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Шерзод Шомуродович АКБАРОВ.** 1986 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани «Хўжаҳасан» қишлоқ фуқаролар йиғини Узилишкент маҳалласида яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Аброр Ярашевич ХИДИРОВ.** 1979 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани «Зарметан» қишлоқ фуқаролар йиғини Работ маҳалласида яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*

**Зилола Тўрақуловна АҲАДОВА.** 1974 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани «Арабон» қишлоқ фуқаролар йиғини Хусбиддин маҳалласида яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Абдурахмон Ҳусанович ИСРОИЛОВ.** 1972 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани Гулзор маҳалласи Боғишамол кўчаси 45-уйда яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «б», «г», «д», «з» ва «и» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*

**Наврўз Қудратович ҲАЙДАРОВ.** 1975 йилда туғилган.

Қизилтепа тумани «Фардиён» қишлоқ фуқаролар йиғини Баландғардиён маҳалласида яшаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми ва 227-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Қизилтепа тумани ИИБга (0-436) 555-24-97 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

**Навоий шахрида ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича чемпионат бўлиб ўтди. Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақага Навоий конметаллургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси мезбонлик қилди.**

Мусобақа ёнгин ўчирувчилар эстафетаси, ишгол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, уч тирсакли сурилма нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва жанговар ёйилиш турлари бўйича бўлиб ўтди. Ушбу чемпионатда энг кучли ўнталикдан жой олган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Тошкент, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти ИИБ ЁХБ, НКМК Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси терма жамоалари иштирок этди.

Чемпионатнинг биринчи куни 4x100 метрли ёнгин ўчирувчилар эстафетаси ўтказилди. Унда ўзларининг эпчил ҳаракатлари билан Қашқадарё вилояти терма жамоаси биринчи, Навоий вилояти вакиллари иккинчи, бухоролик спортчилар учинчи ўринга сазовор бўлди. Баҳслар-

## ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ



нинг ишгол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш турида Тошкент шаҳар терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Қашқадарё вилояти ҳамда НКМК Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси терма жамоалари кейинги ўринларни банд этишди. Шахсий на-

тижага кўра, мусобақанинг энг қизиқарли, ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш турида яхши натижа кўрсатган Тошкент шаҳар терма жамоаси вакиллари К. Бочаров, Б. Дудников ва Н. Холодов ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

Уч тирсакли сурилма нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш баҳслари яқунларига кўра, Қашқадарё вилояти терма жамоаси вакиллари Р. Ҳазратқулов ва Р. Рўзиев шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Тошкент шаҳри вакиллари И. Шералиев ҳамда Н. Холодовга иккинчи, Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси аъзоси С. Шодиев ва С. Раҳматовга эса учинчи ўрин насиб этди.

Чемпионатнинг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш турида эса Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси барча рақиблирдан устун келди. Республика ИИБ ЁХБ НКМК Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва Навоий вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоалари кейинги ўринларга лойиқ деб топилди. Беллашувларнинг ёнгин ўчириш автомобилидан жанговар ёйилиш турида НКМК ЁХБ



терма жамоаси спортчиларига тенг келадигани топилмади. Қашқадарёлик спортчилар иккинчи, Тошкент шаҳар терма жамоаси вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида НКМК Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси вакиллари ўзларининг кучли ва эпчил эканликларини намоён этиб, ғолиб деб топилди. Қашқадарё вилояти ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ терма жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолиблар Фахрий ёрлик, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зафарбек РАИМОВ,**  
подполковник.

## ҚИЗИҚАРЛИ ВА ҲУЖУМКОР РУҲДА

Қорақалпоғистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳар томонлама соғлом ва жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаш мақсадида кўплаб спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда спорт оммавийлигини таъминлашдир.

Яқинда ана шундай мусобақалардан бири – мини-футбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кубоги турнири бўлиб ўтди. Миллионлар ўйини ҳисобланган футбол ўйини кескин ва ҳужумкор руҳда ўтгани билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Турнирда жами 24 та терма жамоа ўзаро куч синашди. Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳслар якунида биринчи ўринни ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм, иккинчи ўринни Чегара қўшинлари ҳарбий бўлими ва учинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ терма жамоалари эгаллади.

Ғолибларга «Динамо» ЖТСЖ кубоги, медаль ва эсдалик совғалари топширилди.

**Файратдин БЕРДИБАЕВ,**  
журналист.  
Қорақалпоғистон Республикаси.



## ВАКИЛЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Ходимни жисмонан соғлом, иродасини мустаҳкам қиладиган, ҳар қандай вазиятда хизмат бурчини мукамал даражада бажара оладиган бўлиб камол топшида муҳим ҳисобланган спортнинг кўпгина турлари Наманган вилоятида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Бугунги кунда унинг исталган тури билан шугулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ходимлар белгиланган кунларда машғулотларда мунтазам қатнашиб, жисмонан чиникмоқдалар. Уларнинг эгаллаган тажриба ва маҳоратлари, айниқса, мусобақаларда асқотмоқда.

Вилоят «Динамо» ЖТСЖ кенгаши томонидан тасдиқланган «Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида 2015 йилга мўлжалланган III спартакиадани ўтказиш тўғрисида»ги дастур доирасида сузиш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ташкил топган 11 та терма жамоа қатнашди.

Наманган шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуасида бўлиб ўтган мусобақада жамоалар пухта тайёргарлик кўриб, бор маҳоратини ишга солган ҳолда иштирок этишди.

Қизгин ўтган баҳслар натижасига кўра, 100 метрга эркин усулда сузиш бўйича шахсий биринчиликда ғолибликни вилоят ИИБ терма жамоаси аъзоси, лейтенант А. Инамов қўлга киритди. Кейинги ўринларга вилоят МХХБ терма жамоаси аъзоси, капитан И. Панов ва Давлат божхона бошқармаси терма жамоаси аъзоси, божхона хизмати кичик сержанти Ф. Ҳошимов сазовор бўлди.

4x50 метрга эстафета мусобақасида биринчи ўринни вилоят ИИБ жамоаси эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга вилоят МХХБ ҳамда ҳарбий қисм терма

жамоалари сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида ҳам ана шу учта терма жамоа совринли ўринларни қўлга киритди.

Мусобақа ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Д. Хўжақулов сўзга чиқиб, ходимларнинг юртимиз тинчлигини сақлаш, халқимизнинг осойишта турмушини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли хизматларида зафарлар тилади. Шунингдек, мусобақа уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтганини эътироф этиб, ташкилотчиларга самимий миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг ғолибларга вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат СОДИҚОВ,**  
вилоят «Динамо» ЖТСЖ  
раисининг ўринбосари,  
подполковник.  
**Маматхон ДАМИНШОЕВ,**  
журналист.

Наманган вилояти.

### ▼ Фақат футбол ҳақида

## ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш босқичига тайёргарлик кўраётган Жасур Абдураимов бошчилигидаги мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси халқаро турнирда иштирок этади.

«Balcom BMW» номини олган ушбу халқаро турнир Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтади. Мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Польша ёшлар терма жамоаси, Япония ўсмирлар терма жамоаси ҳамда мезбон шаҳар ёш футболчилари ғолиблик учун кураш олиб боради.

Ёш футболчиларимиз бугун Тошкент вақти билан 14:00да польшалик тенгқурларига қарши майдонга тушади. Терма жамоамиз иштирокидаги кейинги ўйинлар эса 11 ва 12 август кунларига белгиланган.

## ПЛЕЙ-ОФФ БОСҚИЧИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

«Кўхна қитъа»да нуфузи жихатидан Чемпионлар лигаси турниридан сўнг иккинчи ўринда турувчи Европа лигаси учинчи саралаш босқичининг жавоб учрашувлари ўтказилди. Унда жамоалар плей-офф босқичига чиқиш учун баҳс олиб боришди.

Хамюртимиз Одил Аҳмедов тўп сураётган Россиянинг «Краснодар» клуби «Слован» (Словакия) жамоаси меҳмони бўлиб, 3:3 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди. Икки ўйин натижасига кўра (биринчи учрашувда «Краснодар» 2:0 ҳисобида зафар кучган) кейинги босқичга йўл олди. Афсуски, яна бир хамюртимиз Санжар Турсунов жамоаси – «Ворскла» (Украина) турнирни аламли тарзда тарк этди.

Кунни кеча УЕФА қароргоҳида Европа лигаси плей-офф босқичига қуръа ташланди. Унга кўра, «Краснодар» жамоаси Финляндиянинг ХИК клубига қарши кейинги босқич масаласини ҳал қилиш учун майдонга тушади. Дастлабки ўйинлар 20 август кунини, жавоб баҳслари эса 27 август кунини бўлиб ўтади.

## ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Таниқли мутахассис, Москванинг ЦСКА клуби бош мураббийи Леонид Слуцкий Россия миллий терма жамоаси бошқарувини ўз қўлига олди. Бу ҳақда мамлакат футбол иттифоқининг расмий сайти хабар тарқатди.

Л. Слуцкий билан имзоланган шартнома 2016 йилги Европа чемпионатининг саралаш босқичи якунига қадар мўлжалланган. Айни чоғда мутахассиснинг ҳам миллий терма жамоада, ҳам клубда ишлаши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Л. Слуцкий «Евро – 2016» саралаш босқичи доирасидаги қолган тўртта учрашувда терма жамоани майдонга олиб тушади. Шу билан бирга, унинг қитъа чемпионатида чиқиш йўлида ўтказилиши мумкин бўлган иккита плей-офф ўйинида ҳам бош мураббий вазифасини бажариш эҳтимоли бор.

**Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.**

**Табриклаймиз!**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник **Муҳаммадjon МУХТАРОВ**ни таваллуд куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, хонадонига осойишталик ва қут-барака тилаймиз. Машаққатли ва шарафли хизматларида ҳамиша омад ёр бўлсин!

**ИИБ Қоровул қўшинлари раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.**

**Топқирлигингни синаб кўринг**

**ФИРИБГАР ГРОССМЕЙСТЕР**

Тушга яқин «Икки фарзин» номли шахмат клуби қадимий ўйин ишқибозларига тўлди. Чунки гастроль сифари билан Европани кезиб юрган машхур гротсмейстер Матюгалис ҳадемай бир йўла қирқта шахмат тахтасида ўйин намойиш этиши керак эди. Яна қандай денг – тескари қараган ҳолда. Азбаройи томошага қизиқиш қучлилигидан, чипталар қимматлигига қарамай, аллақачон сотилиб бўлинганди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг 25-ўйинчи мағлубиятини тан олди. Хуллас, икки соат ичида ҳамма партия гротсмейстернинг ғалабаси билан якунланди. Ҳайратга тушган томошабинлар гулдурроқ қарсақлар чалиб, уни олқишлашди. Матюгалис ўриндиқдан аранг тургач, залга ҳорғинлик билан таъ-



Бундан ташқари, ўйин шартлари ҳам кўпчилиكنи қизиқтириб қўйганди. Унга кўра, агар гротсмейстер барча партияларда ғалаба қозонса, солиқ ушланганидан кейин қолган жами пул унга тегарди. Мабодо бирорта партиядан ютқазса ёки дуранг натижа қайд этилса, томошабинларга пуллари қайтариларди.

Одатда, бунақа мусобақаларда, айниқса, шахмат устаси тескари қараб ўйнаса, ҳеч бўлмаганда битта ўйинда мағлубият аламини тортиши аниқ эди. Шу сабабдан, томошабинлар, улар қатори сержант Глум ва инспектор Борг ҳам чипта пулини қайтариб олишдан умидвор бўлиб ўтиришарди.

Соат роппа-роса 12:00да парда очилди. Шахмат тахталари қаторлаштириб қўйилган саҳнага бежирим костюм кийган, сочлари қоп-қора, қадди-қомати расо йигит отилиб чиқди. Залда ўтирганлар бир-бирларига ҳаяжон аралаш шивирлай бошлашди: «Матюгалис! Матюгалис! Матюгалис!» Гротсмейстернинг ортидан жиккаккина, кўримсизгина киши ҳам чиқиб келди. Бу шахмат устасининг ассистенти эди.

Матюгалис ҳакам ва клуб директори билан тез-тез кўришиб, томошабинлар ва

ўйинчиларни қисқагина олқишлаб, саҳнанинг бир четига қўйилган махсус ўриндиққа ўйинчиларга тескари ўгирилиб ўтирди. Ҳакам қўнғироқни чалгач, ўйин бошланди. Бирор ўйинчи навбатдаги юришни қилиб, қўлини кўтариши билан ассистент унинг олдига югуриб борарди. У юришни қоғозга ёзиб олиб, гротсмейстернинг олдига югуриб келарди. Матюгалис қоғозга кўз ташлаб, бир неча лаҳза ўйга чўмарди. Сўнг бошқа қоғозга жавоб юришини ёзарди. Ёрдამчи қоғозни юриш қилган ўйинчига олиб бориб бериб, навбатдаги ўйинчининг ёнига шошарди. Ўйин шу тахлит давом этарди.

Орадан ярим соат ўтиб, 17-ўйинчи таслим бўлди.

зим қилиб, шошиб саҳнадан ғойиб бўлди.


– Қойил! – деди сержант Глум ҳайратини яширмай.

– Қайдам, – ғўлдиради инспектор Борг. – Унинг ёлғончи эмаслигига аминмисиз? Гротсмейстерни ҳеч ким илгари ўз кўзи билан кўрмаган-ку.

– Лекин кўрсатган ўйини унинг ҳақиқий гротсмейстерлигидан далолат бериб турибди-ку, – эътироз билдирди Глум. – Бунинг устига фойеда Матюгалиснинг гротсмейстерлик дипломига кўзингиз тушгандир?

– Ҳа, – кулимсиради инспектор, – диплом ҳақиқий. Ўйин ҳам ниҳоятда юксак савияда ўтди. Аммо гротсмейстер Матюгалис, менимча, барибир фирибгар.

**Савол: Нега инспектор Борг шундай хулосага келди?**



**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

**Абдуҳақат САРИМСОҚОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

Келгуси ҳафта учун

**КҮЙ**



Хошиш-истак ва талабларингиз ортгани сари ишчанлигингиз кучаяди. Ҳамма ишни бирданига қилишга уринманг, аксинча, ишларни режалаштириб кетма-кетликда бажаринг, шундагина қўлга киритилган натижалардан кўнглингиз тўлади. Ҳафтанинг охирида бажарган ишларингиз сизга муваффақият келтиради. Бу сизга байрамона кайфият бахш этади.

**СИГИР**



Бу ҳафтада кўп ишлашингиз керак, ammo ишни нимадан бошлашни билмасдан бошингиз қотади. Ҳамма сиздан ёрдам кутади. Манфаатлар тўқнашуви, ҳатто зиддиятлар юз бериши мумкин. Шундай экан, ҳаммаси яхши бўлиши учун шошма-шошарликка йўл қўйманг, одатий, тартибли ҳолда ишланг, ҳар бир масалани охиригача тўлиқ ҳал этмагунингизча, иккинчи ишга қўл урманг.

**ЭГИЗАКЛАР**



Ҳафта сиз учун қийин бошланади. Ҳар кунги ишларни, турмуш қийинчиликларини ҳал қилишингиз билан бир қаторда ҳаётга бўлган қарашларингизни бирмунча ўзгартиришингизга тўғри келади. Ички ҳолатингизни, кечинмаларни янгилашингиз лозим. Агар буни ўзингиз хоҳла-масангиз, эртами ё кечми, сиз истамаган, сизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ушбу жараён барибир рўй беради. Ҳаёт сабоқларидан чиқарган хулосаларга диққатли бўлинг. Уларни ҳаётингизга татбиқ этинг.

**ҚИСКИЧБАҚА**



Ушбу ҳафта севги бобида муносабатларингизни ривожлантиришда муваффақиятли кечади. Бўлгуси турмуш ўртоқингизни учратишингиз мумкин. Бу ҳафта муаммоларни ҳал қилиш учун қулай вақт ҳисобланади. Турли вазиятларда омадингиз келади, муросага ва дўстона алоқаларга тайёр бўлсангиз, ҳамма ишларингиз жойида бўлади. Фақат ўзингизни ўйламанг, шундагина муваффақият қозонишингиз осон кечади.

**АРСЛОН**



Сизни кескин, жиддий ва нохуш ўзгаришлар кутиб турган бўлиши мумкин. Ҳаётингизда содир бўладиган воқеаларни, ўзгаришларни тўғри қабул қилишга ўзингизда куч топинг. Қатъий ҳаракат қилиш орқали кўплаб муаммоларни ҳал этасиз, тўсиқларни енгиб ўтасиз. Вазиятларга мослашини ўрганинг. Бирор нарсага ҳаддан ташқари берилиб кетманг. Ҳар бир нарсага синчковлик билан ёндашинг. Шунда нохуш ҳолатлар сизни четлаб ўтади.

**ПАРИЗОД**



Фаол ҳаракат қилишдан ўзингизни тийинг, яхшиси қулай вазиятни кутинг. Қандайдир қарор қабул қилишдан олдин нималар қилиш кераклигини яхшилаб ўйлаб олинг. Бирор ишга жиддий киришмоқчи бўлсангиз, етти ўлчаб, бир кесинг. Чунки сизни осонгина чув тушириб кетишлари мумкин. Яқинларингиз ва садоқатли дўстларингиздангина ёрдам олишингизни маслаҳат берамиз. Бошқа ҳар қандай кўмакнинг тағиди фаразли мақсадлар ётган бўлиши мумкин.

**ТАРОЗИ**



Қарашларингизда қатъий туриб олсангиз, бошқалар билан ўртангизда зиддиятлар, жанжаллар, манфаатлар тўқнашуви юз беради. Лекин бу сиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, бошқаларнинг қарашларини умуман инобатга олмайсиз. Улар нима деб ўйлашдан қатъий назар, қарашларингизда собит турасиз. Ортиқча нарсаларга куч сарфламаганингиз сабабли режалаштирган ишларингизни амалга ошириш билан машғул бўла оласиз.

**ЧАЁН**



Узоқ вақт шуғулланган ишингиз ниҳоят сизга муваффақият олиб келади. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан омадингиз келади. Лавозим пиллапояларидан кўтарилиб, ойлик иш ҳақингиз кўпайиши мумкин. Янги мар-ралари қўлга киритиш учун иш жойингизни ўзгартири-шингизга тўғри келиши мумкин. Лекин бу осонликча рўёбга чиқ-маслиги мумкин, ушбу вазиятда қалбингизга кулоқ тuting.

**ЁЙ**



Ушбу ҳафта иш юзасидан ёки бошқа тижорий йўна-лишларда пул текиб, фойда олиш учун қулай пайт санала-ди. Режаларингизни амалга ошириш, иш фаолиятингиз бўйича янги имкониятлар эшиги очилади. Хуллас, ниятларингизга эришиш оstonасида турибсиз. Уларни рўёбга чиқаришда муваффақиятга эриша оласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**



Бу ҳафта натижаларга эриша олмайсиз. Чунки бунга маълум бир вақт керак, лекин шунга қарамай режалаштирган барча ишларингизни рўёбга чиқаришингиз учун дастлабки уринишни бошлашингиз, илк қадамни ташлашингиз учун энг қулай пайт ҳисобланади. Ҳамма нарсани осонгина ўзингизга мослаштириб бўлмаслиги сабабли айёрликни ишга солишингизга тўғри келади.

**КОВҒА**



Бирор нарсага эришаман деб ортиқча фаолликка йўл қўйманг. Сизни жиддий ўзгаришлар кутиб турибди. Уларни тушуниш ва тўғри қабул қилиш керак, шундагина ўзгаришлар сизнинг ҳаётингизда ижобий тарзда кечади. Қатъий ҳаракат қилмасдан, сабр қилинг. Вазият ойдинлашиб, муваффақиятли ҳолатга келгунча кутинг.

**БАЛИҚ**



Муаммолар, мажбуриятлар, гамхўрликлар зиммангизда бўлса, бундан қайғурманг. Ушбу ҳафтада улар камай-майди, лекин шунга қарамай бу вазифаларни қойилмақом қилиб бажарасиз. Сиздан сабот ва қатъият талаб қилинади, бошқа йўл билан мақсадга эриша олмайсиз. Ишни орта сурмасангиз, ишларингиз, муаммоларингиз қанчалик тез ва осон ҳал бўлишига гувоҳ бўласиз, бундан эса кўнглингиз тоғдек кўтарилади.